

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УДК: 370.179

Пакирдинова Шарофатхон Абдумуталлибжоновна

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ЎҚУВЧИЛАР МИЛЛИЙ
ТАРБИЯСИ АМАЛИЁТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЛМИЙ
УСЛУБИЙ МУАММОЛАРИ**

5A140801 – Педагогика мутахассислиги бўйича
магистр академик даражасини олиш учун

***МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИ***



Илмий рахбар:
Педагогика фанлари
номзоди, катта ўқитувчи Н.М.Ўринова

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-8
I БОБ. Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчилар миллий тарбияси амалиётига тайёрлашнинг илмий асослари.....	9
1.1. Мустақил Ўзбекистонда миллий тарбия ғоясининг шаклланиши ва ривожланиши.....	9-20
1.2. Миллий тарбия амалиётида ўзбек мутафаккирлари асарларидан фойдаланиш.....	20-28
1-боб бўйича хулоса.....	28-29
II БОБ. Бўлажак ўқитувчиларнинг ўқувчилар миллий тарбияси амалиётига тайёрлашнинг услубий асослари.....	30
2.1. Бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбияни амалга оширишлари учун зарур бўладиган шахсий ва касбий сифатлар мажмуаси.....	30-38
2.2. Бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиянинг педагогик асослари билан қуроллантириш.....	38-50
2-боб бўйича хулоса.....	50-51
III БОБ. Бўлажак ўқитувчиларнинг ўқувчилар миллий тарбияси амалиётига тайёрлашнинг ташкилий-педагогик асослари.....	52
3.1. Педагогик амалиёт жараёнини талабаларнинг миллий тарбиявий кўникма ва малакаларини шакллантириш.....	52-62
3.2. Тажриба-синов ишлари натижалари ва ишнинг самарадорлик даражаси.....	62-66
3-боб бўйича хулоса.....	66-67
Умумий хулоса ва тавсиялар.....	68-70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71-72
Иловалар.....	73-76

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, узоқ йиллар мобайнида халқимиз қалбининг туб – тубида асраб келинаётган миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятларни тиклаш халқни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилди. Истиқлол берган неъматлардан бири бу халқимизнинг маънавий ва миллий бойликларини авайлаб асрашга қаратилган эътиборнинг юзага келишидир. Бу эса ўз навбатида ёшларга халқимизга миллий, маданий, маънавий, маърифий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг мазмуни ва моҳиятини тўла идрок этиш имконини беради.

Миллий ғоя аҳамиятини президентимиз И.А.Каримов қуйидагича асослаб берадилар: *“Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа – ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғояларимизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиши, уларни янги босқичга кўтариши, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”*¹.

Миллий истиқлол Ўзбекистон мактабларида таълим ва тарбияни такомиллаштириш ва бунинг учун аввало, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш заруриятини тартибга қўйди.

Ушбу ижтимоий буюртмани бажариш университет ва педагогик институтларини ўқув – тарбиявий жараёни оқилона ташкил қилишни, бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг самарали шакл, услуб ва воситаларини излаб топишни, талабаларнинг миллий истиқлолнинг педагогик эҳтиёжларини тўғри талқин қилишга

¹ И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари. Т. “Маънавият” 2008, 75-бет

ўргатишни, миллий тарбия назарияси ва услубиёти ҳақида илмий билимлар билан қуроллантиришни, миллий тарбиячилик кўникма ва малакаларини шакллантиришни тақозо қилади.

Педагогик жамоатчилик фанимизнинг 90 йиллар бошидаги ҳолатига, педагогика илмидаги чуқур “инкироз” деб ташҳис қўйдилар. Бу инкирознинг туб илдизлари энг аввало:

- педагогиканинг миллий анъаналаридан йироқлашиб, мутлақо ўзга миллий асосларга таянган ҳолда ташкил қилинганида;
- педагогик қонуниятлар масаласининг жуда кучсиз ишланганида;
- Ўзбекистон узоқ вақт бошқа миллий педагогикалар тарихини ўрганиш урф бўлганида ва бошқа омиллар эканлиги чуқур асослаб берилди.

Мазкур камчиликлар ўқитувчи – тарбиячи тайёрлашни назарий, ғоявий жихатларини ўз ичига олган бўлса, бошқа томондан педагогик амалиётда ёш ўқитувчиларни тарбиявий ишларини ташкил қилишдаги нўноқликларини қайта – қайта акс этмоқда. Бу эса ҳақиқатдан ҳам ўқитувчи тарбиячи тайёрлаш тизимини миллий тарбиявий талаблар асосида ислоҳ қилишни долзарб мавзуга айлантирди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Тарбиянинг миллийлигига асосланган илк тадқиқотлар М.Мид томонидан олиб борилди. У миллий тарбияни илк бор кашф этган олимдир.

Миллий тарбия воситасида авлоддан авлодга ўтувчи миллий маданият ва унинг цивилизация билан муносабатини мисрлик машҳур педагог Сотей ал Хусрий ўз тадқиқотларида очиб берган. Танланган мавзу йўналишида олиб борилган тадқиқотлар ва илмий педагогик адабиётларни таҳлили натижаларини асосланиб айтиш мумкинки олий ўқув юрти талабаларини амалий педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг айрим йўналишлари бўйича қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан М.О.Очилов, Н.Н.Азизхўжаева, Ў.Қ.Толипов, С.К.Аннамуратова, Б.Л.Фарберман, Н.Шодиев, Н.Ишмухамедов

томонидан таълим тизимида педагогик технологиялар ва инновацион жараёнлар масалалари ўрганилган.

Н.Комилов, И.Хўжамуродов, Н.Сайдуллаева томонидан мустақиллик, мустақил давлат, мулкӣ мустақиллик, адолат, анъаналар, умуминсоний анъаналар, миллий анъаналар, Ватан, Ватан туйғуси, Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, фидойлик, инсонпарварлик, миллийлик, миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, миллий гурур, миллий ғоя, маънавият, мустақиллик тафаккури каби тушунчаларни мазмун моҳияти тадқиқ этилган.

М.Қуронов, О.Мусурмонова, С.Очилов, Н.Ортиков, М.О.Иномова, У.Махкамов ва бошқа тадқиқотчилар томонидан талабаларда маънавий ахлоқий маданиятни шакллантириш мустақиллик йилларида тарбия жараёнлари ва ёш авлод маънавиятини ривожлантириш, умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг миллий услубий асосларини яратиш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилган.

Юқоридаги тадқиқотларнинг, илмий адабиётларни таҳлил қилган ҳолда бўлажак ўқитувчиларни талабалар миллий тарбияси амалиётига тайёрлашнинг илмий услубий муаммоларини кўриб чиқиш мазкур тадқиқотни илмий амалий ва педагогик аҳамиятини белгилашга, ва юқоридаги мавзунини танлашга асос бўлди.

Тадқиқот мақсади – Бўлажак ўқитувчиларда ўқувчилар миллий тарбияси амалиётига тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш.

Тадқиқот объекти – талабаларнинг ўқувчилар миллий тарбияси амалиётига тайёрлаш жараёни.

Тадқиқот предмети – Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчилар миллий тарбияси амалиётига тайёрлашни илмий услубий асосларини ишлаб чиқиш технологияси ва мазмуни.

Тадқиқот вазифалари: Тадқиқотнинг мақсадига асосланиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиявий билим, кўникма ва малакалари сифати университетдаги ўқув, амалий ва мустақил амалий фаолиятлар мазмуни, шакл ва усулларини миллий тарбиявий вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилтириш;
- ўқитувчининг миллий тарбиячи сифатидаги андоза моделидан келиб чиқиб, миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлашни услубий тизимини такомиллаштириш;
- амалий педагогик вазифа сифатида талабаларни шахсий сифатлари, миллий мафкуравий дунёқарашидаги ижобий ўзгаришларни уларни касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш билан уйғунлаштириш;
- ишлаб чиқилган тизимнинг педагогик самарадорлигини педагогик тажриба синов жараёнида математик статистик усулдан фойдаланиб аниқлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

Тадқиқотнинг методологик асослари. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, қарор ва фармонлари, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий гурур, юксак ахлоқ ва юксак маънавият, маданият буюк аجدодлар маънавий меросига хурмат руҳида тарбиялаш йўналишидаги илғор илмий гоялар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини қарор, буйруқ ва низомлари, ОТДТС, ЎМКХТМ раҳбар ходимларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйилаётган замонавий талаблар, мазкур муаммога оид етук мутахассис олимлар томонидан илгари сурилган назариялар ва қарашлар, илмий тадқиқот ишлари.

Тадқиқот методлари:

- ✓ манбаларни таҳлил қилиш;
- ✓ педагогик кузатув;
- ✓ суҳбат;
- ✓ ташхис;
- ✓ сўровнома;
- ✓ машғулотларни мужассамлаштириш;
- ✓ назарий таққослаш;
- ✓ педагогик тажриба синов ишлари;
- ✓ умумлаштириш ва математик статистик таҳлил.

Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар:

- бўлажак ўқитувчиларга миллий тарбияни амалга оширишлари учун зарур бўладиган шахсий ва касбий сифатлар мажмуаси;
- бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиянинг педагогик асослари билан қуроллантириш технологияси;
- талабаларда миллий тарбиявий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришни мазмун моҳияти;
- педагогик тажриба синов натижалари таҳлили асосида олинган илмий ҳулосалар;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва назарий аҳамияти қуйидагиларда ўз аксини топган:

- бўлажак ўқитувчиларда миллий тарбиявий сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим бўлган тушунчалар, воситалар илмий асосланган;
- талабаларда миллий тарбияни амалга оширишлари учун зарур бўлган шахсий ва касбий сифатларини намунавий мажмуасини тузилган;
- педагогик амалиёт жараёнида талабаларни миллий тарбиявий кўникма ва малакаларини шакллантиришни ва ривожлантиришни шакл ва

усуллари ишлаб чиқилди;

- ишлаб чиқилган усулларни педагогик самараси тажриба синов гуруҳларида текшириб кўрилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари асосида услубий тизим ишлаб чиқилди. Бу тизимни амалий педагогик вазифаси талабаларнинг шахсий сифатлари, миллий мафкуравий дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар уларни касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш билан уйғунлаштирилди.

Педагогик тажриба синов ишлари олиб борилган гуруҳ талабаларни миллий тарбияни педагогик психологик асослари билан қуроллантиришда анъанавий ва ноанъанавий услублардан, илғор, янги педагогик, компьютер, ахборот технологиялардан фойдаланиб ўрганиш жараёнида талабаларда миллий тарбиявий кўникма ва малакалар шаклланди, уларнинг дарсдан ташқари машғулотлардаги фаолиятларини фаоллик, мустақил фикрлаш ва ижодкорликлари ошди. Ўтказилган педагогик синов натижаларидан талабалар, ўқитувчи ва тарбиячилар педагог ходимлар ўзларини педагогик амалиётларида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги ва тадқиқот объектлари: Мавзу бўйича 3 та илмий мақола эълон қилинган. Тадқиқот ишлари Фарғона давлат университети ижтимоий-иқтисодий факультети касб таълими йўналиши, педагогика факультети бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши (100 нафар) талабаларида олиб борилди.

Диссертациянинг тузилиши:

Диссертация кириш, 3 боб, 6 та параграф, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ЎҚУВЧИЛАР МИЛЛИЙ ТАРБИЯСИ АМАЛИЁТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Мустақил Ўзбекистонда миллий тарбия ғоясининг шаклланиши ва ривожланиши

Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тамойилларидан бири таълимнинг миллий йўналтирилганлигидир. Бугунги таълимни миллий тарих, миллий анъаналаримиз ва урф – одатларимиз билан уйғун тарзда ташкил этиш ҳамда таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарих ва маданиятини ҳурматлашга йўналтирилган янги тарбия тизимини тақозо қилади. Ушбу давлат буюртмасини мукамал бажармоқ учун узлуксиз таълим тизими Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари нуқтаи назаридан ислох қилинмоқда. Чунки бу Ўзбекистон учун муҳим стратегик, сиёсий заруратдир.

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос тарбиявий тизими унинг мустақиллик, миллий тараққиёт йўлининг педагогик инъикосидир. Ўтган асрнинг охири ва XXI аср бошларида МДҲ мамлакатлари ҳам, жаҳоннинг собиқ мустамлака мамлакатлари ҳам ўз тақдирларида маънавий – маърифий тараққиётнинг уч йўлига дуч келдилар. Дунёвий тажриба бу йўллارни қуйидагича таърифлайди: миллий фундаментализм — ўтмишдагидек яшаш; миллий модернизм — миллий замонавийлашув; миллий реформизм — бошқача (масалан, оврупоча, америкача...) шакл ва мазмун касб этиш.

Миллий давлатчилик, мустақилликни мустаҳкамлашнинг педагогик кафолатини ҳам айнан шу йўл миллий истиқлолий тарбия ғояси

таъминлашга қодир. Чунки миллий тарбия, жаҳид боболаримиз идрок этганидек, таълим ва тарбияни бошқа цивилизацияларга (улар ўз шароити учун ҳар қанча илғор саналмасин!) мослаштириш эмас, балки дунёдаги илғор цивилизацияни ўрганиб, уни миллий маданиятга хизмат этириш, таълим ва тарбияни янги шароитда, мустақилликни мустаҳкамлаш талаблари билан бойитиб, амалга татбиқ этишдир.

Давлат бош ислохотчи бўлган мустақил Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг миллий асосга қурилишининг энг олий ваколати унинг Конституциясида ҳимояга олинган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов 1991 йил 24 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуманда барча миллатдошларимизни ўзбек халқига хос олижаноб фазилатлар ва ватанпарварлик анъаналарига муносиб бўлишга чақирганди. Дарҳақиқат, миллий маданий бирлик, ўзликни сақлаб қолишга даъват Ўзбекистондан чиқиши табиий, адолатлидир ва зинҳор миллатчилик эмас. Чунки «ўзбек миллий маданияти, тили анъаналарини ҳаққоний равишда тиклаш ва ривожлантириш аҳолининг бошқа миллий гуруҳларидаги мана шундай жараёнлар ҳисобига бўлмаслиги»¹ давлат томонидан кафолатланади.

Замонавий мактаб ўзбек халқининг энг гўзал фазилатларидан бўлган миллий гуруҳ, миллатлараро мулоқот маданияти, ватанпарварлик, миллий одоб, соф виждон, миллий ғояни ўз йўл кўрсаткичи қилиб олиб, ягона Ватан – Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги шарафига хизмат қила олувчи ўғилқизларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштириши лозим. Бу миллий истиқлолий буюртма комплекс тарзда - оила, болалар боғчалари, мактаб, маҳалла, турар жойларда, мактабдан ташқари муассасалар ҳамкорлигида олиб борилувчи миллий тарбия жараёнидагина амалга оширилиши мумкин.

¹ И.Каримов “Менинг маслагим: инсон бахт-саодати республика манфаатлари”. “Ўзбекистон овози”, 1991 йил 27-декабр.

«Миллий тарбия» тушунчаси кўп қиррали тушунчадир. Унинг:

- миллий қадриятлар асосида олиб борилувчи мақсадга йўналтирилган тарбиявий фаолият;
- умуминсоний тарбиянинг ҳар бир халққа хос ва мос бетакрор шакли;
- халқ ва унинг маданиятини сақлаб қолиш, тиклаш ва ривожлантириш (ЮНЕСКО тамойили) воситаси;
- Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад, вазифа ва тамойилларининг таркибий қисми;
- турли миллатлар болаларини ҳар томонлама ривожлантириш жараёнининг хусусий, маънавий манбаи;
- талабаларни ахлоқий, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, гўзаллик, иқтисодий, экология ва бошқа йўналишларларда тарбиялашнинг бош тамойили;
- миллатлараро мулоқот маданиятини тарбиялаш ва бунинг натижасида Ўзбекистонда умум фуқаровий тотувликка эришишнинг инсонпарварона йўли ва воситаси;
- ижтимоий тарбия ва мактаб тарбияси уйғунлигининг педагогик шarti;
- инсониятни умумбашарий уйғунликка олиб боришнинг педагогик йўли;
- ижтимоий маънавий жабҳада миллий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик объекти ва воситаси;
- талабаларда миллий (авто ва гетеро) стереотипларни мақсадли шакллантириш, маънавий бойитиш жараёни эканлиги шундан далолат беради.

Миллий тарбия Ўзбекистонда илмий педагогик атама сифатида миллий мустақиллик берган имконият орқали янгидан кўтарилиб қўлланилаётган бўлсада, у азал азалдан гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тарзда

бўлсин, халқимиз турмушида бардавом эди. Чунки ўзбек халқининг тарихи – ўзбекчиликка асосланган миллий тарбиянинг тарихи ҳамдир.

Миллий тарбиянинг этнопедагогик қирраларини илк бор кашф этган олимлардан бири культурантрополог М.Мид бўлди. Унинг тадқиқотлари нафақат гетеростереотип (бир халқнинг бошқа халқлар ҳақидаги билимлари йиғиндиси)нинг, балки осиелик ва африкаликларда автостереотип (ўз халқи ҳақидаги билимлар йиғиндиси)нинг шаклланишига, бошқача қилиб айтганда, ўзлигини англашга ҳам туртки бўлди. Биз учун ушбу тадқиқотнинг педагогик жиҳати муҳимдир. Зеро, М.Мид томонидан 1927 йили нашр этирилган «Coming on' age Samoa» («Самоада улғайиш») китоби тарбиянинг миллийлигига асосланган илк илмий тадқиқот натижасидир.

М.Мид ҳар бир кишининг маълум миллий муҳитдаги хулқ атворини тушунишда унинг болаликда олган миллий тарбияси таъсири ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини қайд қилади. Тарбиянинг миллий хусусият касб этишида бир авлодда иккинчи авлодга ўтиб келувчи анъаналар, маросим, удум, ишлаб чиқариш ва ҳаётий малакалар, афсоналар, хулқ-атвор тарзи, болаларга, ўсмирларга, қарияларга муносабатларнинг ўзига хослиги катта роль ўйнашини М.Мид алоҳида қайд этади.

Бир миллатга мансуб кишилар учун умумий бўлган фазилатларни ўзида мужассамлаштирган намунавий миллий шахс сиймоси мавжудлигини биринчилардан бўлиб А.Кардинер қайд қилди.

У миллий шахснинг шаклланишида, энг аввало, оиланинг миллий тарбиявий таъсирини, ундан кейин ижтимоий тарбия омилларининг етакчи ролини алоҳида қайд қилади.

Миллий тарбия воситасида авлоддан авлодга ўтувчи миллий маданият ва унинг цивилизация билан муносабатини мисрлик машхур педагог Сотей ал Хусрий (1880-1968) ўз тадқиқотларида яққол очиб берди. «Менга маданий бирликнинг кафолатини беринг, мен эса сизга бирликнинг

бошқа барча турлари кафолатини бераман” деган машхур фикр ана шу олимнинг қаламига мансуб. Ал Хусрий Шарқда миллий – замонавийлик оқимининг ташкил топишига катта хисса қўшди.

1953 йили Миср миллий мустақилликни қўлга киритгач. Ал Хусрий мактаб маорифни “маънавият мустамлакалик”ка қарши кураш майдони, деб атади. Шунинг учун ҳам у араб мактабларида миллий гурур, ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратишга чақирди. Шунингдек, Ал Хусрий араб тилининг илмий атамаларини яратишга чақириб, «миллий тарбия» тушунчасини илк бор илмий педагогик муомалага киритди.

Миллий тарбиянинг манбаи бўлган «Миллат», «миллийлик», «миллий гурур», «миллий одоб», «миллатлараро мулоқот маданияти» тушунчаларининг ўзагини арабча «мил» сўзи ташкил қилади. Бу сўз арабчада «ўзак», «туб моҳият», «негиз» маъноларини англатади. «Миллат» сўзи эса бир неча маънони: 1) дин: мазҳаб; 2) уммат: бир мазҳабга мансуб аҳоли; 3) халқ маъноларини англатади.

«Миллат», «миллийлик» тушунчаларининг талқини билан танишар эканмиз, уларнинг ғарбона ва шарқона тарзлари бор эканлигини кўрамиз. Аниқроғи, ғарбий талқин христиан, шарқий талқин эса исломий ўзакларга бориб туташади. Яъни Оврупо халқлари тилларига «миллат» тушунчаси лотинча «natio» - қабила, халқ сифатида христиан дини билан бирга кириб келган бўлса, Осиёга эса ислом таълимоти орқали юқоридаги уч хил маънода кириб келиб сингди.

«Тарбия» сўзи «миллий тарбия» тушунчасининг таркибий қисми бўлганлиги туфайли бу тушунчага ҳам янгича ёндошган ҳолда, холис илмий педагогик таъриф бермоқ керак. Арабча «тарбия», «тарбият» сўзлари

- 1) парвариш қилмоқ; таълим бермоқ; ўргатиш; одоб ўргатиш;
- 2) навозиш, меҳрибонлик кўрсатиш: кўзкулоқ бўлиш; ҳимоя қилиш каби

кўп қиррали мазмунга эга¹. «Тарбиячи» эса шу кўп қиррали тарбиявий фаолиятни амалга оширувчи одам, демакдир. Демак, миллий тарбиянинг луғавий маъноси ёш авлодларни ўз халқига хос миллий фазилатлар намунасида шакллантириш, таълим бермоқ сифатида аниқлаш мумкин.

Мустақил Ўзбекистонда миллий тарбиянинг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини ўрганишда М.Қуроновнинг илмий – тадқиқотларига таяниб икки босқичга ажратдик:

1 босқич бу собиқ СССР даврида миллий тарбиянинг шаклланиши.

2 босқич мустақил Ўзбекистонда миллий тарбия ғоясининг шаклланиши ва ривожланиши.

Собиқ СССРда «миллат», «миллийлик» муаммоси 60 йиллардан файласуфлар томонидан муҳокама қилина бошланди. Дастлаб миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири, миллий маданиятларнинг ўзаро бир бирини бойитиши, маънавий ҳаётнинг байналминаллашуви каби масалалар кун тартибига кўйилди.

Бироқ маданият, санъат, анъана, руҳиятнинг миллийлиги эътироф қилинсада, тарбиянинг миллийлиги эътибордан четда қолаверди.

«Миллий тарбия» тушунчасининг фалсафий моҳияти илк бор фалсафа фанлари доктори, профессор С. Отамуродов томонидан кун тартибига кўйилди. Собиқ интернационал тарбияда йўл кўйилган хатоларни умумлаштирар экан, олим ўша даврнинг расмий нуқтаи назарига тамоман зид хулосага келди. Яъни, миллий тарбиясиз байналминал тарбия бўлиши ҳам мумкин эмаслиги; байналминал тарбияни миллий тарбия орқали амалга ошириш лозимлиги; чунки миллий тарбия ўз халқининг маданий қадриятларини сингдирган инсонни шакллантириши ва ҳақиқий миллий маданият руҳида тарбияланган кишигина бошқа миллий қадриятлар руҳида тарбияланган кишидаги инсоний фазилатларни англаб, ҳурмат қила олиши; миллий тарбия шакл ва услубларининг тиклаб қўлланилиши —

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик 2-том, - М.: «Рус тили» нашр 1991 йил, 125-бет

жамият мафкуравий, маънавий яқдиллашувига, демократлашувига хизмат қилувчи янгича ёндашув бўла олишини фалсафий исботлади. Шўро даврининг сўнгги йилларини «миллий маданиятнинг чуқур инқироз ҳолати» деб баҳолаб, С. Отамуродов бу инқироздан кутулиш ҳар бир халқнинг маданий анъаналарини маърифий тиклашга, яъни онгли, мақсадга йўналтирилган тарбияга боғлиқлигини, миллий тарбия истиқболда миллатчилик ва шовинизм каби иллатларни олдини олиниши асослаб берди.

Ҳар бир жамиятни психологик, мафкуравий ва иқтисодий тангликдан кутқазиб шарт — инсон характерини ўзгартиришга боғлиқ. Лекин тарихда бу вазифани инсонпарварона ҳал этиш ҳамма вақт ҳам амалга ошавермаган. Чунки мустамлакачилик манфаатлари, сиёсийлик, партиявийлик аксарият ҳолларда ушбу муаммони ҳал қилишнинг маърифий усулини инкор қилиб келган.

Тарбиянинг моҳиятан миллийлиги ва мактабни миллий руҳдан ажратиш ҳалокатли хато эканлиги ҳақидаги фикрлар илк бор собиқ СССР миқёсида халқ таълими ходимлари бутун иттифоқ съезида (1988 йил 20-22 декабрь) кўтарилди. Грузия вакили профессор Ш.А.Амонашвили депутатлар диққатини миллий (грузин ва бошқа) ва номиллий (совет мактаби) мавжудлигига қаратди.

Таниқли олим ягона дастур, ягона ўқув режаси, ўқитувчи тайёрлашнинг ягона тарзи натижасида мактаблардан миллий маданият ҳайдаб чиқарилганлиги ҳақида гапириб, «Мактабда болаларнинг грузин, яъни она тилида ўқишлари ҳали бу миллий мактаб дегани эмас. Мактабда қачон грузин маданияти руҳи яшар экан, ана шундагина у мактаб миллий бўла олади. Рус мактабида ҳам арман мактабида ҳам, умуман ҳар бир мактабда ана шундай бўлмоғи керак. ...Бизга миллий мактабни қандай куриш кераклиги ҳақида буйруқ керак эмас. Наҳотки, марказдагилар ўз грузин болаларимизни бизлар — ота оналар, ўқитувчилардан ҳам ортик

севувчилар бор, деб ўйласалар», деди¹. Мазкур чиқиш кейинчалик барча иттифоқдош республикаларда ечилган муаммо таълим тарбия, мактабнинг миллийлиги ҳақидаги қизғин мунозараларнинг бошланиб кетишига туртки бўлди.

Халқ таълими ходимларининг бутун иттифоқ съезди арафасида Москва педагогик дунёсида «концепциялар жанги» кечди. Педагогика фанлари академияси ўзининг «Умумий ўрта таълим концепцияси»ни съезд делегатларига тарқатди. Концепция мазмунида «миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш» тамойили илк бор тилга олиб ўтилди, холос.

Ўзбекистонда миллий тарбия муаммоси «миллий мактаб» муаммоси таркибида муҳокама қилина бошлади. Республикамиз жамоатчилиги П.Мусаев, Р.Ҳасанов ва Д.Қўлдошевларнинг «Фан ва турмуш» ойномасида (1989 йил октябрь) эълон қилинган «Мактабимиз истиқболи ҳақида ўйлар» давра суҳбатини; ЎзПФИТИ бўлим мудир Р.Ҳасановнинг «Мактабга миллий асос керак» («Ўқитувчилар газетаси», 1989 йил 1 ноябрь); профессор К.Юсуповнинг «Миллий мактаб зарурми?» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил 19 ноябрь), «Янги миллий мактаб яратайлик» («Учительская газета», 1990 йил октябрь) сингари ва бошқа қатор чиқишларни катта ташналик билан кутиб олинди.

Кенг жамоатчилик томонидан билдирилган бундай таклифлар, мулоҳазалар нафақат соҳага алоқадор «Фан ва турмуш», «Мактабгача тарбия», «Бошланғич таълим» сингари нашрлар, балки «Ўқитувчилар газетаси», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Ватан», «Оила ва жамият», «Маърифат» ва бошқа газеталарда, «Халқ таълими», «Совет шарқи мусулмонлари», «Ёш куч» каби журналларда, радио, телевидение эшиттирув ва кўрсатувларида буюк бир фаоллик, қуюнчаклик билан билдирилди. Бу қадар фаоллик миллий

¹ М.Қуроно. Миллий тарбия. 25-бет

мактаб яратиш, тарбияни миллий асосга қуриш ғояси республикамизда ижтимоий онгга айланганлигини, ўзбек халқининг миллийликка, ўз фарзандларида миллий рух, миллий одоб ахлоқ, пок виждон, ватанпарварликни кўришни қанчалик исташларининг кўрсаткичи эди.

Миллий тарбия зарурати нафақат матбуотда, балки республикамизда турли кўлам ва даражаларда педагогик, мафкуравий, маънавий маърифий эҳтиёж сифатида қизгин муҳокама қилинди. 1990 йил 17 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ўқитувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унинг резолюцияларида «Жумхуриятда умумий ўрта таълимни қайта қуриш» бўйича Халқ таълими вазирлигига бир қатор таклифлар билдирилди.

Инсон ва жамият характерини ўзгартириш қатор маърифий, педагогик ислохотлар орқали амалга ошади. Ана шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши мамлакатда миллий давлатчиликка хос ва мос миллий тарбия назарияси ва амалиётини ривожлантиришга кучли рағбат бўлди. Президент И.Каримов академиясининг вазифаси фақат кадрлар тайёрлаб беришдангина иборат бўлиб қолмаслигини, академия «ўзининг илмий, педагогик салоҳияти асосида бутун маориф тизимини ислоҳ қилиш учун янги муҳит, янги шароит яратиб бериши лозим»лигини уқтирди.

Чунки «биз ўзимизнинг ўқув дастурларимиз ва аҳолини маънавий тарбиялаш дастурларини қайтадан кўриб чиқмас эканмиз, ҳеч нарсага эриша олмаймиз»¹, - дея таъкидлайди юртбошимиз.

Миллийлик ғояси Давлат ва жамият қурилиш академияси олимлари илмий ишларининг етакчи тамойилига айлантирилди. Натижада, миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари профссор А.Азизхўжаев, О.Хусанов, сиёсий асослари Р.Жумаев, маънавий асослари профссорлар Н.Комилов,

¹ И. Каримов Юксак малакали, мутахассислар – тараққиёт омили. Т "Ўзбекистон», 1995, 18 - бет.

М.Имомназаров ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилиб, бойитила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институтида яратилиб амалга оширилган «Маънавий янгиланиш» Давлат дастурида миллий маънавиятни сақлаб қолиш, тиклаш ва янгилашга қаратилган комплекс тадқиқотлар миллий тарбиянинг стратегик йўналишларини белгилашга замин яратди.

Миллий тарбия мақсадини янада муайян, замонавий талқин қилиш учун Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сессиялари материаллари; Президент ва Вазирлар Маҳкамаси чиқарган фармонлар, қарорлар; мустақил Ўзбекистон Конституцияси; Ўзбекистон миллий истиқлол мафқурасининг илмий асослари; республиканинг иқтисодий ва ижтимоий талаблари ифодаланган давлат ҳужжатлари, шартномалари ўрганилди. Мақсад — юқорида зикр этилган ҳужжатлардан Ўзбекистон педагогикаси билан боғлиқ мазмунни аниқлаб олмақ эди. Мақсадли маълумот кидирув олдига «Халқимиз ва давлатимиз миллий тарбиянинг мақсади, усуллари, шакллари, воситалари натижасини қандай тасаввур қилмоқда?», «Талабалар характерида қандай сифатларнинг мужассам бўлишини истайди ва қайси сифатлардан норози?» каби муайян педагогик саволларга жавоб олиш вазифа қилиб қўйилди.

Мақсад халқимизнинг педагогик тафаккуридаги тарбиявий мақсадни англаб, уни илмий педагогик назария билан уйғунлаштириш ва шу орқали назария ва амалиётнинг, тарбия ва ҳаётнинг бирлигига эришиш эди.

Мустақил Ўзбекистонда юқоридаги саволлар ва мақсадга жавоб берувчи қудратли манба барпо қилинди. Бу Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқураси бўлди. Галдаги вазифа мафқуранинг миллий асосларига миллий тарбиянинг илмий асосларини уйғунлаштириш эди. Чунки, миллий мафқурани онгимизга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга қўймоқ кераклиги давлат аҳамиятига молик заруриятга

айланган эди. Шу тариқа миллий тарбиянинг миллий мафкура билан уйғунлигига эришиш куйидаги йўналишларда белгиланди:

- ахлоқда, хулқ-одобда ва фуқаролар онгида миллийлик руҳини, ҳис-туйғуларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш... Ахлоқ ва онгда миллий ғурурни шакллантириш;

- ахлоқдаги, хулқ-одобдаги миллийликни, умуминсоний ахлоқий қадриятларни ўзлаштириш, уларни тарбияга сингдириш асосида юксалтириш, ахлоқий меросдан кенг фойдаланиш, ахлоқ ва онгни бошқа халқ ва миллатларга хайрихоҳлик, дўстлик, улар билан тинч-тотувлик руҳида тарбиялаш, ёшларга байналминаллик туйғусини ҳамда миллий низоларга, камситишларга, менсимасликларга эса нафрат ҳиссини сингдириш»¹. Шу тариқа Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси илмий асосларидан келиб чиқувчи «миллий одоб», «миллий ғурур», «миллатлараро мулоқот маданияти тарбиянинг вазифаларига айлантирилди.

Мустақиллик шарофати билан республикада таълимни ташкил қилиш, лицейлар, коллежлар очиш, иқтидорли болаларга ғамхўрлик қилиш» каби фазилатларни шакллантириш миллий, таълимнинг сифатини жаҳон стандартлари даражасига етказиш йўлида хайрли ишлар бошланди. Галдаги вазифа – тарбия масаласини ҳам шу даражада ҳал қилиш эди. Зеро, собиқ совет педагогикасидаги «таълимнинг ўзи тарбиялайди», дея тарбияни иккинчи даражали иш деб қараш, ҳатто айрим билимли кишилардаги сўз ва иш орасидаги тафовутда намоён бўлмоқда эди.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бу борадаги саволларга аниқлик киритди. Яъни, “таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол мафкурасининг илмий асослари (лойиҳа). “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, 1993 йил, 71-75 бетлар

ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг «миллий тизимини яратиш» давлат сиёсатига айланди”¹.

Давлат томонидан кўрсатилаётган рағбат ва эътибордан келиб чиқиб, мустақил Ўзбекистонда миллий тарбия ғоясининг ривожланишини ўрганиш муайян тамойилларга таянган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

1) республикамиз мустақиллиги арафасида ва бошида қандай маърифий педагогик қийинчиликлар мавжуд бўлганлигини аниқлаш;

2) мавжуд қийинчиликларни юзага келтирган сабабларнинг аниқланиши;

3) муаммони ижобий ҳал қилишнинг энг тўғри, илмий асосланган йўллари топиб олиш керак. Шу тариқа миллий тарбия ғояси тараққиётини ўрганиш олдига ҳам республикамизда:

1) «миллий тарбия — педагогик муаммо» сифатида;

2) муаммони юзага келтирган сабаблар;

3) уни ечиш учун нималар қилмоқ кераклиги ҳақидаги саволларга жавоб излаш вазифаси қўйилди.

Изланишларимизнинг илмий педагогик талқини бизга талабаларни миллий тарбияланганлик мезонларини ишлаб чиқиш имконини беради. Демак, қуйида биз замонавий ўзбек мактаби ўқитувчисининг миллий тарбиявий ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган шахсий ва касбий сифатлар мажмуига тўхталамиз.

1.2 Миллий тарбия амалиётида ўзбек мутафаккирлари асарларидан фойдаланиш.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит – қизларини ХХI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар

¹ “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси олий мажлиси IX-сессиясида сўзлаган нутқи. “Туркистон”, 1997 йил 30-август

томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учн зарур шарт – шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналиштирилган чора – тадбирлар амалга оширилмоқда. Буни яна бир исботи сифатида Президентимиз И.А.Каримов томонидан “2010 йил – Баркамол авлод йили” деб – эълон қилинишидир.

Президентимиз нутқида сўзлаганидек: “барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради”¹.

Келажак авлодни ҳар жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш масаласи халқимиз учун нафақат ҳозирги кунга келиб, балки қадим замонлардан бери энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган ва унга ҳамма аллома ва мутафаккирларимиз катта аҳамият берганлар.

Шарқ мутафаккирларининг қадим – қадимдан ёшлар тарбиясига, жумладан ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Халқимизнинг машҳур алломалари Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Муҳаммад Содик Қошғарий, Аҳмад Югнакий каби жаҳон тан олган мутафаккирлари ўзларининг катор асарларида баркамоллик масалаларига алоҳида эътибор қаратганлар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, шарқ мутафаккирларининг баркамоллик тарбиясига бағишлаб ёзилган рисоаларида ёшларни маънавий ахлоқий шакллантириш, уларда юксак инсоний туйғуларни таркиб топтиришда, меҳр мурувват, инсонийлик, самимийлик фазилатларини шакллантириш долзарб муаммо сифатида талқин этилган. Бу борада Абу Али ибн Синонинг “Донишнома”, “Тиб қонунлари” ва бошқа таълимий рисоаларида, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Хийбатул Хақойик”, Муслиҳиддин Саъдийнинг “Бўстон”, “Гулистон”, Жомийнинг

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-йиллигига бағишланган йиғилишдаги нутқи. “Халқ сўзи” 5-декабр 2009 йил.

“Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул аброр” каби панднома, ҳикматнома тарзида ёзилган юзлаб асарлари баркамоллик, собитқадамлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, миллатпарварлик каби фазилатларни таркиб топтиришда муҳим ўрин тутди.

Улуғ мутафаккирларимиз ёшлар тарбияси, унинг шакл ва усуллари ҳақида маънавий ахлоқий рисолаларида муҳим фикрларни билдирганлар. Мутафаккирлар ёшларга сингдирилган ақл, одоб, ҳаё, баркамолликни асосий ахлоқий мезонлари сифатида қаралади. Бундай ахлоқий сифатларни талаба ёшларда шакллантиришда асосан ҳикматлардан ўринли фойдаланиш яхши самаралар беришни таъкидлаб, улар ўз насиҳатларини, ўғитларини ривоят – ҳикматлар асосида баён этишга ҳаракат қилганлар.

Алломалар томонидан айтилган бундай серҳикмат сўзлар ёшларга ривоятлар асосида тушунтирилиб берилиши уларни маънавий – ахлоқий ва баркамоллик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Форобий ахлоқий фазилатлар деганда билимдонлик, донолик мулоҳазали бўлиш, виждонийлик, камтарлик кўпчилик манфаатини юқори кўйиш ҳақиқий маънавий юксакликка интилиш, адолатли бўлиш каби хислатларни тушунади. Аммо бу хислатлардан энг муҳими ҳар бир инсоннинг билимли, маърифатли бўлишидир. Шунинг учун ҳам Форобий ахлоқ тушунчасини ақл билан узвий боғлиқ ҳолда тафаккурга асосланган ахлоқ сифатида қарайди.

Форобий инсон ақлини билимлар билан бойитса, ижтимоий фанлар ақлий тарбия усуллариغا хизмат қилиши сиёсат, ахлоқ, таълим – тарбияга оид билимлар эса кишиларнинг жамоаларга бирлаштирувида, ижтимоий ҳаётга оид қоида – қонунларни ўргатади дейди. Форобийнинг ижтимоий – фалсафий, ахлоқ, таълим – тарбияга оид таълимотидан маълумки, унинг фалсафий, маърифий, ижтимоий қарашларида инсон муаммоси энг муҳим муаммо сифатида қаралади. “Ақл тўғрисида”, “Фозил одамлар шахри”,

“Идеал жамоа ҳақида”, “Бахт саодатга эришув тўғрисида” ва бошқа рисоаларида ана шу инсоннинг камолга етишда муҳим бўлган омилларни, мақсад ва вазифаларни, таълим – тарбия усуллари ва услубларини ёритиб берган. Шунини ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Фаробий ўрта ва яқин Шарқда илғор педагогик таълимотнинг асосчиларидан бўлиб, таълим – тарбия ҳақида биринчи асар ёзган ва биринчилардан бўлиб таъриф берган олимдир.

Демак, Фаробий инсоннинг камолга етишида қуйидагиларни муҳим деб ҳисоблайди.

- инсон маълум жамиятда, ўзаро муносабатлар жараёнида камолга етишади;
- инсон бошқа мавжудотдан ақлий ва руҳий қувватлари билан устунликка эга;
- инсон ўз туғма қобилияти камолотга етишиши учун куч сарф этади, интилади.

Шу билан бирга Фаробий таълим – тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади. Фаробий таълим тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш: тарбия назарий фазилатларини, маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ атвор амалий малакаларини ўрганишдир, дейди олим.

Буюк олим Беруний эса, инсонни табиатнинг энг олий камолоти деб қарар экан, унинг ер юзини обод этиши ва уни бошқариб туриши учун ақл – заковат ато этилган, шунга кўра ҳар бир инсон юксак ахлоқли, билим – маърифатли бўлиши лозим – дейди.

Беруний ўз асарларида инсоннинг камолга етиши унинг ақлий тафаккурининг ривожланиши, ахлоқан камолга етиши, соғлом ва жисмонан бақувват бўлишига боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтган. Беруний

“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Китоб ас – Сайдона” ва бошқа асарларида инсон камолоти ҳақидаги ўз қарашларини баён этган. Ақлий тарбия кишининг тафаккурини ривожлантириб, дунёқарашини кенгайтириб боради, унинг ўзини ўзи англаб етишига таъсир этади.

Беруний кундалик турмуш тарзига ҳам катта эътибор берган, ҳар бир ахлоқан баркамол инсон ўзининг турмуш тарзини гўзаллик ва нафосат асоси санайди. Беруний инсонни хислатларидан муҳими озодалик, тартиблилик бўлса, инсонга энг яқин нарса унинг табиати, руҳи дейди. Шунинг учун инсон ўз табиатига ёқадиган ишларни бажариш зарур, деб кўрсатади. Бунга инсоннинг ички қиёфаси билан ташқи гўзаллиги, турмуш тарзидаги гўзалликнинг уйғун бўлишини талаб этади. Ҳар бир шахсда шарм ҳаё, озодалик, нафис, дид, иффат, латофат, ширинсўз ва ширинсухандонликнинг таркиб топиши турмушнинг янада гўзал бўлишига олиб келади. Олимнинг инсон турмушига хос хулқ – одоб қоидалари ҳақидаги фикрлари педагогик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳам ички, ҳам ташқи томондан гўзал бўлсагина ҳақиқий камолотга эришиши мумкин.

Ибн Сино эса инсоннинг камолга етишишида юқори таъкидлаганидек ахлоқий камол топиши ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини илмий жиҳатдан исботлаб берган ва фанларни тасниф этганда, фалсафа фанини икки гуруҳга бўлиб, биринчи гуруҳига ахлоқ фанини ҳам киритиб, уни иқтисод ва сиёсат фанлари қаторига қўяди. Ибн Сино “Тиб - қонун” ларининг биринчи жилдида “Балоғатга етган кишилар учун умумий бўлган тадбирлар” бўлими, тиббий достон (уржуза), “Ҳай бин Яқзон”, “Рисолаи ишқ” (севги ҳақида рисола), “Донишнома”, “Саломон ва Абсол”, “Тадбир ал Манозил”, “Ахлоқ ҳақида рисола”, “Сийёсат ал - бадан” (Баданни бошқариш), “Китоб ал ансоф” (адолат ҳақида китоб) ҳамда “Аш – шифонинг баъзи бўлимлари”, “Ал илоҳиётнинг баъзи фасллари”,

“Хикмат чашмалари” каби асарларида таълим тарбия қарашларини ифодалаган. Ибн Сино ахлоққа доир асарларини “Амалий хикмат” донишмандлик амалиёти деб атади. У ахлоқ фани кишига унинг ахлоқи қандай бўлишни ўргатади, дейди. Олимнинг фикрига кўра, бу фан кишиларнинг ўзига ва бошқаларга нисбатан хатти – ҳаракати меъёрлари ва қоидаларини ўргатади.

Ибн Сино ахлоқлилик асосини яхшилик ва ёмонлик каби икки тушунчага бўлиш билан таърифлайди “Дунёда бўлган жами нарсалар табиатига кўра камолот сари интилади”. Камолот сари интилишнинг ўзи эса моҳияти этибори билан яхшиликдир. Камолотга интилишнинг ўзи ҳам яхшиликдир. Демак, зарурат юзасидан эмас мажбурият юзасидан қилинган яхшиликни олим мукаммал яхшилик деб билади.

Ибн Сино ҳар қандай яхшилик – бу камолот белгиси деб тушунтиради. “Донишнома” асарида у яхшилик қилиш нияти қадр – қиммат ва камолот белигиси деб уқтиради. Ибн Сино камолотга таъсир этувчи муҳим ахлоқий ҳислатларни ҳам таҳлил этади ва ҳар бирига таъриф беради. Масалан, адолатни руҳий лаззатни бош мезони санайди. Инсон каноат, жасурлик, донолик билан адолатга эга бўлади, ёмон иллатлардан ўзини тийиб, яхшиликни мустаҳкамлайди, ҳақиқий руҳий лаззат олади, дейди олим. Инсондаги ижобий, ахлоқий ҳислатларга, саҳийлик, чидамлилик, камтарлик, севги, муҳаббат, мўътадиллик, эҳтиёткорлик, ақллилик, катъиятлилик, садоқат, интилиш, уятчанлик, ижрочилик ва бошқаларни киритади. Чидамлилик, ақллиликни ғазаб қувватига, донолик эҳтиёткорликни зийраклик, садоқат, уятчанлик, ижрочилик, ачиниш, софдилликни тафовут қувватига киритади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳам ўз даврнинг илғор, маърифатпарвар алломаси сифатида инсон камолотида илм – фаннинг ўрни, ақл ва идрокнинг аҳамияти, ақлий тарбиянинг моҳиятини ёритиб берди. Навоий тасавуридаги комил инсонга хос бўлган энг юксак

фазилатларга. Ижодкорлик, қобилият, илм – фанга муҳаббат ҳам киради, чунки бахтли ҳаётга интиланган. Навоийнинг ижодкор, оқил, қобилиятли доно инсонни ўзининг куч – қувватига ақлу – заковатига ишонади.

XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек миллий маданиятининг бир қатор намоёндалари ёш авлодга эрк ва озодлик, мустақиллик руҳида тарбиялаш, маърифат ва тараққиётга бошлаш жадиждлар номи билан тарихга кирган Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Аваз Ўтар, Фитрат каби фидойилар зиммасига тушди. Улар томонидан бир қатор дарсликлар тузилди, халқни маънавиятини ошириш мақсадида “Тараққий”, “Хуршид”, “Садойи Туркистон”, “Нажот” каби рўзномалар ташкил этилди. Рўзномаларда босилган мақолалар халқни сиёсий онги ва адабий дидини ўзгартириб, ўстириб борди. Фитратнинг “Сайха (“Бонг”) деган шеърлар тўпламида” “Бухоро мустақиллиги ғояси ёрқин миллий шаклда биринчи бор ифодалаб берилди”¹ – дея таъкидлайди Файзулла Хўжаев.

Жадид маърифатпарварларининг бош ғояси миллий янгилашиш, замонавийлашиш, миллий маънавият учун кураш шаклида намоён бўлади. Жадид маърифатпарварларнинг мақсади “Янги усулда таълим – тарбияни Овropa цивилизациясига мослаштириш эмас, балки Овrupa цивилизациясини ўрганиб, уни миллий маданиятга хизмат эттиришнинг”² бир ифодаси эди.

Ёш авлодни замонавий билимлар билан қуроллантириш миллий тарбияни уйғунлаштириш мақсадида бутун Туркистон бўйлаб усули жадид мактаблари очилди. Бу ҳақда “Маърифатчилар ўзликни англашни миллий тарбияда жуда юқори ўринга қўйдилар. Ўз миллати, ўз ватани, ўз давлати мана шулар шахсни шахс қилади, шахсни мана шу миллатнинг бир ориф парчаси айлантиради. Ва мана шу миллатга миллат унвонини беради”³ – дейди кейинчалик замондошимиз Иброҳим Ғофуров.

¹ И.Ғофуров. Миллатнинг биллурланиши. “Халқ сўзи”, 1995 йил 5-январ

² Ўша манба.

³ Ўша манба.

Халқ маърифати йўлида фидоийлик кўрсатган жаидлардан бири Абдулла Авлонийдир. Унинг педагогик асарларидан бири “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида ижтимоий ва ахлоқий таълимий қарашлари баён этилган бўлиб, асарни яхши хулқлар бўлимида қуйидаги тарбиявий фикрлар берилган.

Яхши хулқлар.

Яхши хулқ; бир қисми ўз нафсимизга, бир қисмини бир – биримизга, қаршу ишлатмак учун керакли бўлган яхши хулқлар: фазонат, диёнат, ислomiaт, назофат, ғайрат, риёзат, илм, сабр, ҳилм, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни суймак, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон, иқтисод, виқор, хавф ва ражо, итоат, ҳақшунослик, хайрихоҳлик, муносилик, садоқат, муҳаббат ва афвдур. Манна бу ёздиғимиз яхши хулқлар ақл ва шаръи шарифга мувофиқ. Аллоҳ таоло ҳам бандалар қошида мақбул ва мўътабардур. Эмди бу яхши хулқларни қўлга олмак учун ота – она, муаллим устодларимиз ҳазратларининг ҳикматли насиҳатларини жон қулоғи бирла тинглаб, доим хотирда тутмоқ, ахлоқи яхши кишилар бирла улфат бўлмак, ахлоқи бузуқ ёмон кишилардан қочмоқ лозимдур. Бизим шариати ислomiaда “ахлоқи ҳасана” – яхши хулқлар ила хулқланмак, ҳар нарсага ибрат кўз ила боқуб, хулқини тузатмак вожибдур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллолоҳу алайҳи вассалам “исломиятда бузуқлик йўқдур, бузуқликни устига олув ҳам йўқдир. Ислomiaда энг мўътабар кишилар яхши хулқ эгаларидур”¹, - демишлар.

Асарни “Ҳифзи лисон” бўлимида Ҳифзи лисон деб ҳар бир миллат ўз она тил ва адабиётини сақламагини айтилув. Ҳар бир миллатнинг борлигин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқатмакдур. Ҳайҳот! Биз туркистонликлар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун кундан – кун унутмак ва

¹ А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: 1994, 21-бет

йўқотмақдадурмиз. Овропа қалпоғини кийиб, кулгу бўлмок зўр айб ва уятдур”¹ дея замонани танқид қилади. Шундай қилиб, Абдулла Авлониё кишининг ижобий фазилатларини бирин кетин санаб ўтади ва кишиларни миллатга хос яхши хулқлар соҳиби бўлишга чақиради.

Улуғ мутаффакирларимиз ёшлар тарбияси, унинг шакл ва усуллари ҳақида маънавий ахлоқий рисоаларида муҳим фикрларни билдирганлар. Мутаффакирлар ёшларга сингдирилган ақл, миллий ватанпарварлик, миллий ғурур, ҳаё, баркамоллик асосий ахлоқий мезон сифатида қарайдилар. Бундай ахлоқий сифатларни талаба ёшларда шакллантиришда асосан хикматлардан ўринли фойдаланиш яхши самаралар беришини таъкидлаб, улар ўз насихатларини, ўғитларини ривоят – хикматлар асосида баён этишга ҳаракат қилганлар.

Алломалар томонидан айтилган бундай серҳикмат сўзлар ёшларга ҳикоя ва ривоятлар асосида тушунтирилиб берилиши уларни миллий ва маънавий – ахлоқий руҳда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

I – боб бўйича хулосалар.

Миллий тарбиянинг тикланиши ва ривожланишини ўрганиш натижасида ҳосил қилинган хулосалар қуйидагилардан иборат:

1. Миллий истиқлол арафасида ва у қўлга киритилганидан кейин ўзбек халқи ўз миллий қадр-қимматини англай бошлади. Аجدодлар ёди, миллийлик, жонажон маданият ҳақида эълон қилинган кўплаб бадиий, публицистик, ижтимоий тарихий, диний, маърифий адабиётлар, телевизион кўрсатувлар ва радио эшиттиришлари педагогик ўзликни ҳам тиклаш эҳтиёжини уйғотди.

2. Мустақиллик Декларациясининг (1990) эълон қилиниши, СССРнинг парчаланиб кетиши, мамлакатимизда Президент бошқаруви тизимига ўтиш, миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши, Конституциянинг қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг дунёга, дунёнинг Ўзбекистонга юз

¹ Ўша манба, 23-бет

тутиши, миллий истиқлол мафкурасининг халқ онгига сингиб бориши педагогик тафаккурда ҳам ўз аксини топа борди. Мактаб, ўқитувчилар, халқ ва давлатнинг миллий тарбиявий қарашлардаги бирлиги тобора ойдинлаша борди.

3. Таълим ва тарбияда миллий қадриятларни тиклаш жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи турли илмий марказларнинг семинарлари, конференциялари, кенгашларининг диққат марказида турган мавзуларга айлана борди.

4. Мустақил Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлининг режалари; республиканинг бозор иқтисодиётига ўтишининг беш тамойили; Президент И.Каримовнинг Ўзбекистонни жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатлари қаторига кўтаради, деган ғояси; миллий тарбияни юксалтириш бош ислохотларнинг тамойилига айлантирилиши кераклиги ҳақидаги миллий маърифий ғоялари; Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури давлатимизнинг миллий тарбияга ижтимоий буюртмасини ифодалади.

5. Мустақиллик шарофати билан собиқ коммунистик мафкура ўрнига Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси амалга оширила бошланди. Бу эса республикада миллий тарбиянинг мафкуравий асосини яратди.

6. Ёш авлодни миллий тарбия ғояси руҳида тарбиялашда ўзбек мутаффакирларининг асарларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

II БОБ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВЧИЛАР МИЛЛИЙ ТАРБИЯСИ АМАЛИЁТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбияни амалга оширишлари учун зарур бўладиган шахсий ва касбий сифатлар мажмуаси.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги ва равнақи кўп жиҳатдан миллий кадрларнинг тайёргарлик даражаси билан белгиланади. Айниқса мамлакатимизнинг эртанги кунини яратувчи ёш авлодга истиклол руҳида таълим-тарбия беришни такомиллаштириш муаммолари ҳал қилиниш лозим бўлган энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Жамиятимизнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири бўлган ҳар томонлама камол топган маънавий соғлом авлодга таълим тарбия бериш ишини муваффақиятли олиб борилиши педагог кадрларни миллий тарбия амалиётига тайёргарлик даражасига бевосита бориб тақалади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонунида таъкидланганидек “Давлат таълим муассасаларида ишловчи педагог ва тарбиячилар юқори даражадаги маънавий сифатларга, муайян маълумот ва касбий тайёргарликка эга бўлишлари лозим” дейилади.

Маълумки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да бир қатор муҳим талабларнинг бажарилишини, жумладан, таълим тизимидан тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий кадрларнинг касб малакаси, маданий, маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий даражасини оширишни кўзда тутди. Янги турдаги ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицейлар ва касб – ҳунар коллежлардан таълим бера оладиган маҳоратли педагогик кадрларни тайёрлаш малакасини ҳал этиш алоҳида эътибор талаб этади.

Ўқитувчиларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлашда самарадорликка эришиш қатор зиддиятларнинг ижобий ҳал қилинишига боғлиқ. Булар қуйидагилардан, иборат:

– мустақиллик, бозор иқтисодиётига ўтиш, миллий истиклол мафкураси талабларидан келиб чиқиб ўқитувчига қўйилаётган тарбиявий талабларнинг тобора ошаётганлиги, бундан кейин янада ортиши ва

республика педагогика институтлари ва университетларида ўқитувчиларни тайёрлашда бу талабларни қондиришнинг илмий педагогик шартшароитлари яратилмаганлиги орасидаги зиддият;

– педагогика фанининг миллий мафкуравий, маънавий аҳамияти кучаяётганлиги (нафақат ёшлар, балки катталарни ҳам мафкуравий, маънавий тарбиялаш ҳақидаги фан сифатида) ва умумпедагогик билимлар мазмунида, услуб, воситаларида миллий йўналтирилганлик даражаси орасидаги зиддият;

– педагогика институтлари, университетлари ўқитувчиларидан миллий тарбиянинг назарий, услубий билимларини чуқур билишлари талаб қилинаётганлиги ва бу билимларнинг реал даражаси орасидаги зиддият;

– Ўзбекистон халқи, давлати, Президентининг миллий ғурур, виждонийлик, миллатлараро мулоқот маданияти, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий мафкуравий онглиликни тарбиялаш ҳақидаги талабларнинг тобора долзарблашаётганлиги.

Ушбу зиддиятларнинг сабаби, бир томондан, тарбия жараёнининг мураккаб, узоқ давом этиши ва зиддиятлилиги, иккинчидан, миллий тарбия назарияси ва услубларининг педагогика институтлари ва университетларида ҳали мустақил курс сифатида ўрганилмаётганлиги бўлса, учинчидан, педагогика институтлари ва университетлари ўқув соатлари ҳажмида педагогика ва психологияга соатларнинг кам ажратилганлиги бўлиб чиқди. Бу ҳолат амалиётда ўзини намоён қилмоқда.

Биз тадқиқот иши олиб борган ФарДУ ижтимоий – иқтисодиёт факультет ижтимоий – иқтисодий йўналиши, педагогика факультети бошланғич таълим ва спорт услубиёти йўналиши талабаларидан ТИМ дан олган билим, кўникма ва малакаларини даражаларини қуйидаги сўровнома орқали аниқлашга ҳаракат қилдик:

1-жадвал

Саволлар	Жуда яхши	Яхши	Қони- қарли	Қониқар сиз	Тайёр эмас- ман	Жавоб берма- ди
1. Сиз миллий истиқлол шароитида ўзингизнинг тарбиявий ишларга тайёргарлигингизни қандай баҳолайсиз?	-	4	26	64	5	1
2. Ўқитувчини тарбиячи вазибалари ҳақида билимларингизни қандай баҳолайсиз?	-	2	32	56	7	3
3. “Оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги” ташкил қилишга тайёрлигингиз қандай?	-	8	24	60	8	
4. Мактабда тарбиявий ишларнинг шакл ва усуллари ҳақида билимларингиз?	-	-	20	60	20	
5. Талабаларда шаклланиши зарур бўлган тарбиявий фазилатлар ҳақида билимингиз?	-	-	11	77	4	

Олинган натижалардан кўриниб турибдики бўлажак ўқитувчиларда синф раҳбари сифатида эгаллаган билим, кўникма, малакалари қониқарли деб баҳолаб бўлмайди.

Педагог ходимлар малакасини ошириш бўйича тўпланган тажриба ҳам «Талабалар тарбияси ва билимининг самарадорлиги тўғридан-тўғри ўқитувчининг билими, касб маҳорати, обрўси ва унинг маданиятига боғлиқ»лигини қайта-қайта таъкидламоқда эди. Бўлажак ўқитувчиларнинг 85 фоизидан ортиқроғи фақат ўз фанлари бўйича дарс бериб, тарбиячилик фаолияти билан шугулланмасликни афзал кўришлари бу ҳолни янада долзарблаштиради. Ваҳоланки, ёш ўқитувчиларнинг 80-90 фоизи мактабга келишлари билан синф раҳбарлари этиб тайинланадилар. Бунинг натижасида ёш ўқитувчиларда пайдо бўлувчи ночорлик, ҳафсаланинг пир

бўлиши баъзан уларнинг касбини ўзгартиришига сабаб бўлади. Мавжуд вазият педагогик таълим жараёнида ўқитувчи профессиограммасидаги миллий тарбиячилик сифатларини кучайтиришни, такомиллаштиришни тақозо қилмоқда эди.

Бугунги кун ўқитувчисини тарбиячи сифатида фаолиятларини ўрганиш мақсадида анкета-сўровномасини ишлаб чиқдик ва бу сўровнома Фарғона шаҳрини 3-10 умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган синф раҳбарлари ўртасида ўтказилди.

Анкета

1. Миллий тарбия моҳиятини тушунтириб беринг?

2. Синф тарбиявий ишлар режасига қандай миллий ахлоқий мавзуларни киритгансиз?

3. Синфда тарбиявий ишларни амалга оширишда қандай шакл ва усуллардан фойдаланасиз?

4. Синф раҳбариди қайдай шахсий ва касбий сифатлар шаклланган бўлиши керак деб ҳисоблайсиз?

5. Мактабда тарбиявий ишларни такомиллаштириш учун нималар қилиш керак?

Юқорида ўтказилган сўровномалар таҳлили қуйидаги натижаларни акс эттиради:

1. Сўралган ўқитувчиларни 43 нафари миллий тарбияни моҳиятини тўғри талқин қилганлар, лекин кўпчилик (55 нафар) қисми “Талабаларнинг миллий қадриятларимиз, урф – одатларимизнинг бой жиҳатлари асосида ўтмишдагидек тарбиялаш лозим”- дея таъкидланади, 2 нафар ўқитувчи

миллий тарбия тўғрисида мавхум фикр беришган.

2. Анкетамизни 2 саволи бўйича барча синф раҳбарларини 78 нафарининг иш режаларида миллий ахлоқий мавзулар озми кўпми учрайди.

(“Бизнинг шахримиз”, “Ватанимиз сиёсати” мавзуларида суҳбат, “Мен мустақил Ўзбекистон фарзандиман” ва ҳ.з). Лекин уларда миллий тарбия моҳияти чуқур акс этмайди.

3. Тарбиявий ишларнинг амалга оширишда кўпинча синф раҳбарлари оғзакиликка, баландпарвоз ишлар остида амалга оширишни таъкидлаганлар.

4. Синф раҳбарлари қандай шахсий ва касбий сифатлар шаклланган бўлиши керак деган саволимизга сўралганларнинг 38 нафари миллий мафкуравий онглилик, ижтимоий фаоллик, топқирлик, виждонийлик, болаларга меҳрлилик, адолатпарварлик, педагогик одоб, тadbиркорлик сифатларини етук тарзда шаклланган бўлиши зарур - дея таъкидласалар, 52 нафар ўқитувчилар кўпроқ касбий билимдонлик, нотиклик, педагогик этикани эгаллаш каби фазилатларни қайд этиб, синф раҳбарларини миллий тарбияни ташкиллашда эгаллаши зарур бўлган фазилатларга кам эътибор қаратган.

5. Мактабда тарбиявий ишларни такомиллаштириш учун нималар қилиш зарур деган саволга ўқитувчиларнинг 68 нафари “Миллий тарбия бўйича махсус қўлланмалар, услубий тавсиялар чоп қилинса мактаб тарбия ишлари аниқ тартибга тушар эди” деган фикр билдирганлар. Қолган респондентлар эса тарбиявий соатлар мавзулари ёритилган китоблар чоп қилинса, вилоят, тумандан келувчи комиссия, тарбиявий соатларни ҳам текширса, нафақат мактаб балки оммавий ахборот воситаларида ҳам миллийликка эътибор берилса (кинофильмлар, мултфильмлар рўзномларда) оилани миллий тарбиявий имкониятларидан фойдаланишда ота – оналарни маъсулияти оширилса каби жавоблар берилган.

Ўқитувчиларнинг миллий тарбия жараёнининг ташкилотчилари сифатидаги фаолиятларини ўрганиш уларнинг, қисман бўлсада, миллий тарбия вазифалари, мақсадидан хабардорликларини, бу ишни эмпирик даражада амалга оширишга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатди. Бунинг мисоли сифатида уларнинг иш режалари, тарбиявий соатлар тематикасидан жой олган миллий ахлоқий мавзуларни, тадбирларни келтириш мумкин. Лекин бу ишларнинг аниқ мақсадга йўналтирилмаганлиги, тизимга солинмаганлиги, изчил назорат қилинмагани туфайли бош мақсадга эришмай қолинган. Чунки синф раҳбарларининг миллий тарбиявий фаолиятини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилмаган. Ана шу сабабдан бўлажак ўқитувчиларнинг миллий тарбиячи сифатидаги фаолиятининг модели, кўрсаткичларини асослаш зарурати туғилди. Булар:

- миллатлараро мулоқот маданиятининг;
- виждонийликни;
- миллий мафкуравий онглиликнинг яхлит шаклланганлик даражалари сифатида ифодаланди.

Биз белгилаган мезонлар тизими аксарият ҳолларда (76%) синф раҳбарларининг миллий тарбиявий фаолиятини холис акс эттирди. Шундай қилиб, синф раҳбарларининг миллий тарбиявий фаолиятининг самаралорлик кўрсаткичлари — мезонларининг юқори, ўртача, паст ва салбий даражалари аниқланди. Натижада эса, синф раҳбарининг миллий тарбия борасидаги, фаолияти самарадорлиги нималарга боғлиқлиги, алоқадорлиги ўрганилади. Бундай омиллар:

- а). синф раҳбарининг миллий тарбиявий ишларни олиб боришга назарий, услубий йўналтирилганлиги;
- б). шахсий ва касбий сифатларининг уйғун шаклланганлиги;
- в). ижодийлик бўлиб чиқди.

Жамланган илмий тадқиқот материаллари ўқитувчининг синф

рахбари сифатидаги фаолиятининг самарадорлиги унинг педагогика институтлари ва университетларида миллий – тарбиявий фаолиятига махсус йўналтирилишига шахсий фазилатларига; миллий тарбия бўйича муайян назарий ва амалий тайёргарлик даражасига боғлиқлигини кўрсатди. Бу эса бўлажак ўқитувчининг миллий тарбиячи сифатидаги намунавий мажмуасини тузиш имконини берди. (2-жадвалга қаранг)

Шундай қилиб, ҳозирда педагогика институтлари, университетлар талабалари бўлажак педагогларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлашда юқоридаги касбий ва шахсий сифатлар, ечимлар, кўникма ва малакалар тизимини мақсадли шакллантириш зарурати мавжуд эди. Ушбу заруратни таъминлаш учун дастлаб педагогик таълимнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, «бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлаш» йўналиши бўйича қўшимча имкониятлар яратилди. Яъни, 1) диплом ишлари, курс ишлари, реферат ишлари тематикасида миллий тарбиявий мазмун кучайтирилди; 2) Педагогика кафедрасида, ҳар бир фанни ўқитишнинг бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлаш бўйича қўшимча имкониятлари очиб берилиб, улардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Хусусан, умумий педагогика, педагогика, тарбиявий ишлар услубиёти, педагог этикаси, педагогик маҳорат ва бошқа фанларнинг бўлажак ўқитувчиларнинг миллий мафкуравий дунёқарашини шакллантиришдаги имкониятларидан унумли фойдаланилди. Ушбу услуб бўлажак ўқитувчи — миллий тарбиячиларда мустақил Ўзбекистоннинг ўз истиклол йўли, ички ва ташқи сиёсати, тарихи, ҳозирги ва истикболи ҳақида билимлар билан уларнинг миллий истиклолий педагогик тафаккури орасида уйғунликка эришишга хизмат қилиб, эътиқодини мустаҳкамлайди.

1. Маънавият ва маданиятни юқори даражаси
2. Миллий одоб
3. Миллий мафкуравий онглилик
4. Халоллик
5. Касбига садоқат
6. Адолатлилик
7. Болажонлик
8. Интеллектуал салоҳият
9. Ватанпарварлик ва бурч туйғуси
10. Одамохунлик
11. Талабчанлик
12. Мурувватлилик
13. Мутоайбани ҳис қилиш
14. Ташаббускорлик
15. Кузатувчанлик
16. Самимийлик

1. Миллий тарбиянинг моҳияти ва мазмунини чуқур сингдириш
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги қонунларни билиш
3. Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаш
4. Ўз фанини миллий тарбиявий имкониятларини билиш
5. Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатидан хабардорлик
6. Президентимиз И.А.Каримов асарлари моҳиятидан хабардорлик
7. Ўз тугилиб ўсган жойи, ватанимиз тарихини яхши билиш
8. Миллий тарбиявий анъаналарни билиш
9. Психологик-педагогик тайёрлов
10. Синф жамоасини ташкил қилиш ва бошқара олиш
11. Маҳалла, оила, жамоатчилик ташкилотлари билан тарбиявий ҳамкорлик ўрната олиш
12. Миллий тарбиявий тадбирларни режалаштириб, ташкил қилиб, бошқариб, ўтказа олиш
13. Ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла билан алоқа ўрната олиш
14. Ўзининг касбий ва шахсий сифатларини таҳлил қилиб такомиллаштириш
15. Нотслик ва актёрлик маҳоратини эгаллаш



Жумладан, талабаларга миллий мафкуравий мавзуларда рефератлар тарқатишларини, реферат ишларини бажариш учун талабалар республика газета журналларида чоп қилинган миллий тарбиявий мақолалар, тарихий ҳужжатлар, маданий мерос билан пухта танишишларини шарт қилиб қўйишларини тавсия қилдик. Талабаларга бу ишда ёрдам бериш учун адабиётлар рўйхатига 1991 – 2009 йиллар республика матбуотида чоп этилган миллий тарбиянинг турли қирраларига оид мақолалар, рисоалар, давлат ҳужжатлари, Президентимизнинг тарбиявий қарашлари акс этган чиқишлари, нутқлари киритилди. Бу тадбир бўлажак ўқитувчиларнинг миллий тарбиявий фаолиятни олиб боришларида зарур бўлган миллий мафкуравий дунёқараш, миллий одоблилик, виждонийлик, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий ғурур, Ўзбекистон ватанпарварлиги каби фазилатларнинг, миллий истиқлолий эътиқоднинг заминини яратишга хизмат қилди.

2.2. Бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиянинг педагогик асослари билан қуроллантириш.

Бугунги кунда Ўзбекистон мактабларида таълим ва тарбияни такомиллаштириш ва бунинг учун аввало бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарликларини такомиллаштириш зарурияти кун тартибига қўйилди. Ушбу ижтимоий буюртмани бажариш университет ва педагогика институтларида ўқув тарбиявий жараёни оқилona ташкил қилишни, бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг самарали шакл, услуб ва воситаларини излаб топишни, талабаларни миллий истиқлолнинг педагогик эҳтиёжларини тўғри талқин қилишга ўргатишни, миллий тарбия назарияси ва услубиёти ҳақидаги илмий билимлар билан қуроллантиришни, миллий тарбиячилик кўникма ва малакаларини махсус шакллантиришни тақозо қилди. Бошқа томондан, бу муаммо республикамиз педагог олимларининг мақолаларида,

мунозараларида долзарб мавзуга айлана борди. Педагогик жамоатчилик фанимизнинг 90 йиллар бошидаги ҳолатига «педагогика илмидаги чуқур инкироз» деб ташхис қўйдилар. Бу инкирознинг туб илдизлари, энг аввало

- педагогиканинг миллий заминдан, халқимизнинг минг йиллик теран анъаналаридан узилиб, мутлақо ўзга миллий асосларга таянган ҳолда талқин қилинганида;
- педагогик қонуниятлар масаласининг жуда кучсиз ишланганида;
- бу борада ҳамон умумий мунозаралардан ташқарига чиқилмаётганида;
- Ўзбекистонда узоқ вақт рус ва бошқа халқлар педагогикаси тарихини ўрганиш урф бўлганлигида ва бошқа омилларда эканлиги чуқур асослаб берилди¹.

Мазкур камчиликлар ўқитувчи тарбиячи тайёрлашнинг назарий, ғоявий жиҳатларини ўз ичига олган бўлса, бошқа томондан, педагогик амалиётда - ёш ўқитувчиларнинг тарбиявий ишларни ташкил қилишдаги нўноқликларида қайта-қайта акс этмоқда эди. Бу эса ҳақиқатан ҳам ўқитувчи тарбиячи тайёрлаш тизимини миллий истиклолий талаблар асосида ислоҳ қилишни долзарб мавзуга айлантирганди. Шу тариқа мустақиллик, миллий истиклолнинг Ўзбекистон ўқитувчисига қўяётган миллий тарбиявий талаблари ва ўқитувчиларимизнинг миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлик даражалари орасида номувофиклик мавжуд эди.

Мазкур камчиликларни бартараф қилиш учун бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиянинг назарий, услубий асослари билан қуроллантириш:

- талабаларни назарий хулосалар чиқариш;
- педагогик вазиятларни мустақил таҳлил қилиш;
- педагогик сабаб ва оқибатлар орасидаги боғланишларни кузатиш;
- педагогик таъсир мантиқини эгаллаш; педагогик диагностика, технология, прогностика услубларини қўллаш;

¹ К.Юсупова. Ўзбекистонда педагогика илмининг истикболи. "Маърифат", 1994 йил 9-февраль

- ўрганилган назарий билимларни амалиёт билан боғлашга ўргатиш каби педагогик психологик вазифаларни ўрганиш лозим.

Бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиянинг педагогик асослари билан қуроллантириш жараёни қуйидаги 3-жадвалда ўз ифодасини топган



“Тарбиявий ишлар назарияси ва услубиёти” фанини ўқитишда уни миллий истиқлол тарбияси мазмуни билан бойитиш бир неча усулларда амалга оширилди:

1. ТИУ курси дастурига тарбиянинг объектив миллий хусусияти; миллий тарбия – тарбиянинг мустақил йўналиши сифатидаги моҳиятини ўргатиш;
2. Маърузалар мазмунини баён қилишда миллий тарбиянинг мақсад ва вазифалари киритилди;
3. Маърузалар сўнгида “Тарбия жараёнида ўқитувчилар томонидан талабаларнинг миллий хусусиятлари қандай ҳисобга олинмоқда?” каби саволлар қўйилди;
4. Амалий машғулотларда “Синфдан ташқари тадбирларни ташкил этишда миллий қадриятларимиздан фойдаланиш, “Маънавият соати”ни ташкил қилиш методикаси ўргатиб борилди: “Амалий машғулотларни ўтказишда тажрибали гуруҳ мураббийлари” таклиф этилди;
5. Мустақил таълим мавзуларига “Миллий тарбияга доир бир қатор мавзулар” киритилди.

Хусусан, маъруза машғулотларини мазмунини қуйидагича бойитилди:

1. “Синф раҳбарининг тарбиявий ишларни ташкил этиш методикаси курси мақсади ва вазифалари” мавзусини ёритишда миллий тарбиявий мақсад ва вазифаларга таянилди.
2. “Мактабдаги тарбиявий ишлар тизимида синф раҳбарининг фаолиятини ташкил этиш методикаси” мавзусида синф раҳбарининг миллий тарбиявий фаолияти.
3. “Синф талабаларини маънавий ахлоқий тарбиялаш” мавзусига талабаларда шакллантириш зарур бўлган миллий маънавий фазилатлар ҳақида тушунча берилди.
4. “Синф раҳбарининг талабаларни ўрганиш методикаси” мавзусида миллий фазилатларни ташхис қилиш йўллари ўргатилиб борилди.

5. “Шахсга жамоавий тарбиявий таъсир кўрсатишнинг шакл ва методлари” мавзусини ёритишда жамоада шаклланган миллий тарбиявий фазилатлар шахс шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири эканлиги асосланди.
6. “Талабаларда интизомликни тарбиялашнинг усул ва методлари” мавзусида синф раҳбарининг миллий тарбиявий мақсад ва вазифалари кўрсатилган.
7. “Мактаб талабалари шахсини ҳар томонлама камол топтириш” мавзусида миллий тарбиянинг аҳамияти кўрсатиб берилди.
8. “Синф раҳбарининг оила ва жамоатчилик билан олиб борадиган ишлари” мавзусини ўтишда ота – оналарнинг миллий тарбиявий вазифалари, ота – оналар мажлисини ташкил қилишда миллий тарбиявий мавзуларни киритишга аҳамият берилди.
9. “Синф раҳбари ишини режалаштириш ва ҳисобга олиш” мавзусида синф раҳбари ишини режасига мустақиллик ғояларини сингдирилиши, миллий тарбиявий мавзулар киритиш бугунги кун талаби эканлиги асосланган.
10. “Ёшлар ташкилотларининг тарбиявий ишлари. Талабаларнинг ўз ўзларини бошқариш» мавзусига алоҳида эътибор берилди. Бугунги кунда Республикамизда “Камолот”, “Камалак” ташкилотларининг олиб бораётган тарбиявий ишлари Республикамиз мактабларида тўпланган илғор тажриба намуналаридан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон талабалар ва ўсмирлар уюшмасининг мақсад ва вазифалари миллий – тарбиявий нуқтаи назар билан бойитилди.
11. «Ҳозирги замон ўқитувчиси» мавзусида мустақил Ўзбекистон давлатининг кадрлар тайёрлаш миллий моделида кўрсатилган истиклолий талаблари, ундан кутилаётган шахсий ва касбий фазилатлар тизими баён қилинди. Бунда мазкур ишимизнинг олдинги саҳифаларидаги «андаза»га таянилди.

12. «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар», «Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг тарбия соҳасидаги фаолияти» мавзуларини ўрганиш республика «Маҳалла» жамғармасининг тарбиявий вазифаларига боғлаб ўрганилди.

Семинар машғулотлар учун республика газета, журналларида чоп қилинган миллий мактаб, миллий тарбия масалалари ҳақидаги мақолалар, рисоалардан фойдаланиш тавсия қилинди.

Амалий тадқиқот гуруҳларида «Тарбиявий ишлар назарияси ва услубиёти» фанидан миллий тарбия масалаларига оид қуйидаги реферат мавзулари мустақил мавзу сифатида киритилди:

1. Миллий тарбия тушунчасининг мазмун ва моҳияти.
2. Миллий тарбия ғоясининг шаклланиши ва ривожланиши.
3. Талабаларни миллий тарбиялашда миллий урф – одатларнинг аҳамияти.
4. Қуръони Каримда миллий тарбия масалалари.
5. Ўзбекистонда миллий мактаб концепциясининг яратилиши.
6. Миллий истиқлол ғояси миллий тарбиянинг мафкуравий асоси сифатида.
7. “Авесто” манбасида таълимий – тарбиявий масалалар.
8. Миллий тарбиянинг турли қирралари адибларимиз асарларида.
9. Жаҳид боболаримизнинг миллий тарбиявий ғоялари.
10. Жавонмардлик тариқатининг тарбиявий – таълимий аҳамияти.
11. Миллий маданият миллий тарбиянинг воситаси сифатида.
12. АҚШ этнопсихологияси мактабларида “Миллий шахс” назарияси.
13. Тарбиянинг миллийлигини асослаган А.Авлоний, М.Мид, Ф.Бенеджит, К.Ушинский, Ал Хусрий, Жалол Али Аҳмад ва бошқаларнинг қарашлари.
14. Ўзбекистонда миллий тарбиянинг замонавийлиги, тамойиллари, тизими, қишлоқ ва шаҳар болаларнинг миллий шаклланиш хусусиятлари.

15. Миллий тарбиянинг шакл, услублари.

Бу бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлаш самарасини оширувчи туртки бўлди ва миллий тарбиянинг моҳиятини махсус баён қилишга йўл очди.

Илмий тадқиқот ишларини олиб бориш натижасида амалий тадқиқот гуруҳи талабларини миллий тарбия назарияси ва услубиётига оид билимлар билан қуроллантириш мақсадида махсус курс ишлаб чиқилди ва Педагогика факультети “Бошланғич таълим ва спорт услубиёти” йўналиши 3-4 курс жами 150 нафар талабаларга ўқитилди.

Бўлажак ўқитувчиларни “Миллий тарбия назарияси ва услубиёти” мавзусида махсус курс дастури ва маъруза машғулоти мажмуи
Махсус курс: маъруза 10 соат, семинар – тренинг 6 соатдан иборат бўлиб,
3 – 4 курсларга ўқитилади.

№	Машғулот мавзулари	Маъруза	Семинар
1	Миллий тарбия ғоясининг моҳияти ва мазмуни	2	
2	Миллий тарбиянинг мақсад ва вазифалари	2	
3	Ўзбекистонда миллий тарбия ғоясининг шаклланиши ва ривожланиши	2	
4	Оилани миллий тарбиявий имкониятларини такомиллаштириш.	2	
5	“Фаол тарбиячи” мавзусидаги ишчанлик ўйини	2	
6	Бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий сифатлари		2
7	Ўзбек мутаффақирлари асарларида миллий тарбия ғоясининг талқини		2
8	Тарбиявий тадбирларни режалаштиришда миллий тарбиявий ғоялар		2

Талабаларга педагогик билимларни беришда ролли ва ишчанлик ўйинлардан фойдаланиш ўзига хос аҳамиятга эга. Бу жараёнда талабалар бевосита педагогик фаолият иштирокчилари сифатида фаолият юритадилар, натижада уларда ўқитувчи – тарбиячи фаолиятини ташкил

этиш кўникма ва малакалари шаклланади. Қуйида 3 курс талабалари иштирокида ташкил этилувчи “Фаол тарбиячи” ишчанлик ўйинининг мазмуни ҳақида сўз юритамиз.

Машғулот мавзуси: “Фаол тарбиячи”

Машғулот мақсади: талабалар томонидан ўзлаштирилган педагогик билимларни мустаҳкамлаш ҳамда тарбиячилик кўникмаларини шакллантириш.

Таянч тушунчалар: тарбия, тарбиячи, миллий тарбия, миллий тарбиявий ишлар, режалаштириш.

Талаб этилувчи вақт: 80 дақиқа.

Машғулот жиҳозлари: 25 тадан ручка ва оддий иш қоғозлари.

Ўйинни ташкил этиш учун зарур бўлган ашёлар: Ўқитувчилар томонидан чиқарилган услубий қўлланмалар, оддий қаламлар, ручка, чизғич, ўчирғич, таквим, китоблар, дафтар, дафтар жилдлари, кистирғич, қалин қоғозлар.

Машғулот босқичлари: 1-босқич – ўқитувчи иштирокчиларни машғулотни ташкил этиш шартлари билан таништиради (5 дақиқа).

2-босқич – биллц турнир (берилган саволларга қисқа, аниқ жавоблар олиш) асосида талабаларга қуйидаги саволлар берилиб, уларнинг тезкор фикрлаш лаёқатига эгаллик даражаси аниқланади:

1. Тарбия нима?
2. Тарбиячи ким?
3. Миллий тарбия сўзининг лугавий маъноси нима?

Энг яхши кўрсаткичларни қўлга киритган талабалар аниқланиб, улар эксперт гуруҳига бириктириладилар (4 дақиқа).

3-босқич — биллц турнир асосида қолган иштирокчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Тарбиявий ишлар шакллари айтинг?
2. Тарбиявий ишларнинг режалаштиришга қандай талаб қўйилган?

3. Миллий тарбиявий фазилатларни айтинг?

Саволларга биринчи бўлиб, тез ва аниқ жавоб қайтарган талабалар аниқланадилар ва улар ўзлари етакчилик қилувчи гуруҳни шакллантириш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Шу тарзда ўйин иштирокчилари уч гуруҳга ажраладилар (4 дақиқа).

4-босқич – гуруҳлар мустақил равишда синф раҳбарини тарбиявий ишлар режасини ишлаб чиқадиладар (7 дақиқа).

5-босқич – ҳар бир гуруҳ етакчиси иштирокчиларни тарбиявий ишлар режасини тузишга бўлган талаблар билан таништирадилар (12 дақиқа (ҳар бир гуруҳга 3 – 4 дақиқадан)).

6-босқич — эксперт гуруҳининг аъзолари томонидан тарбиявий иш режасини баҳолаш асосида энг яхши тарбиявий ишлар режаси аниқланади (5 дақиқа). Тарбиявий ишлар режаси қуйидаги мезонларига мувофиқ баҳоланади:

Режанинг бош манбаси – ҳукуматимизнинг фармон ва қарорлари, президентимиз И.Каримовнинг қатор рисоалари ҳамда халқ таълими тизимининг расмий йўл – йўриқлари, ҳужжатлари ҳисобланади.

Режанинг яна бир муҳим манбаи – ўтган ўқув йилидаги тарбиявий тадбирларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлилидир.

1. Режа қуйидаги бир қатор талабларга жавоб бериши керак:
2. Режага истиқлолга ғояларини сингдириш.
3. Режанинг шакл ва йўналишлари ранг – баранг ҳамда истиқболли бўлиши.
4. Режа узлуксиз ва изчил бўлиши.
5. Режанинг аниқлиги.
6. Биз қуйида синф раҳбари иш режасининг асосий бўлимлари ва мазмунини берамиз:

I. Талабалар жамоаси билан ишлаш.

II. Болалар ва ўсмирлар уюшмаси (“Камолот” жамғармаси) билан биргаликда олиб бориладиган ишлар.

III. Синф ўқитувчилари билан ишлаш.

IV. Синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилиш.

V. Ота – оналар билан ишлаш.

1. Режани тузишда юқоридаги талаблар ҳисобга олинган тарбиявий ишлар режаси учун 5 балл.
2. Айрим объектив ва субъектив омиллар инобатга олинмаган тарбиявий ишлар режаси учун – 3 балл.
3. Мавжуд талабларга етарлича жавоб бермайдиган тарбиявий ишлар режаси учун - 1 балл.

7-босқич – ўйин иштирокчилари мунозара асосида эксперт гуруҳи қарорига нисбатан ўз муносабатларини билдирадилар (10 дақиқа).

8-босқич – машғулотга яқун ясалади (5 дақиқа).

Ўйин асосида ташкил этилган машғулот чоғида талабалар миллий тарбиявий фаолиятни йўлга қўйишнинг ташкилий жиҳатлари билан тўлақонли танишиш ва бу жараённинг бевосита иштирокчиси бўлиш имкониятига эга бўладилар. Ўйиннинг умумий мазмунига кўра машғулотнинг қуйидаги технологик харитасини ишлаб чиқиш мумкин:

“Фаол тарбиячи” ишчанлик ўйиннинг технологик картаси

Босқичлар	Ўқитувчи фаолияти	Талабалар фаолияти
I босқич Тайёргарлик жараёни	Машғулотнинг мақсади ва натижалари белгиланади, талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари аниқланади, машғулотнинг технологик харитаси ишлаб чиқилади, зарур ўқув материаллари тайёрланади, ўқув топширигининг бажарилиш ҳолатини белгиловчи мезонлар	Машғулотни ташкил этилиш қоидалари билан танишадилар (5 дақиқа)

	ишлаб чиқилади. Машғулот жараёнида иштирокчилар ўйинни ташкил этиш шартлари билан таништирилади (5 дақиқа)	
II босқич Ўйинни бошлашга киришиш	Билл турнир асосида эксперт гуруҳининг таркиби аниқланади (гуруҳ таркибини аниқлаш учун иштирокчиларга қуйидаги саволлар берилади: 1. Тарбия нима? 2. Тарбиячи ким? 3. Миллий тарбия сўзининг луғавий маъноси нима? Эксперт гуруҳининг вазифалари туғрисидаги маълумотлар берилади	Берилган саволларни диққат билан тинглайдилар, уларга тез ва аниқ жавоб қайтаришга ҳаракат қиладилар (10 дақиқа)
III босқич	Билл турнир асосида гуруҳ етакчилари аниқлаб олинади (иштирокчиларга қуйидаги саволлар берилади: 1. Тарбиявий ишлар шакллари айтинг? 2. Тарбиявий ишларнинг режалаштиришга қандай талаб қўйилган? 3. Миллий тарбиявий фазилатларни айтинг?	Етакчилар томонидан гуруҳлар шакллантирилади (хар бир етакчига 10 тадан турли мутаффақирларининг тасвири туширилган карточкалар тавсия этилади, улар ана шу карточкаларни исталган иштирокчига берадилар, иштирокчилар қўлларидаги карточкалар ёрдамида турли гуруҳларга ажраладилар) (5 дақиқа)

IV босқич Асосий босқич (1-қадам)	Гуруҳларга топшириқ берилади, уни бажариш шартлари тушунтирилади	Гуруҳ аъзолари топшириқ оладилар, уни бажариш шартлари билан танишадилар, топшириқ бажаришга киришадилар, режа ишлаб чиқадилар (15 дақиқа)
V босқич Асосий	Гуруҳлар етакчиларидан тайёрланган режа мазмуни	Етакчилар гуруҳларда тайёрланган режа билан

босқич (2-кадам)	билан таништириш сўралади	иштирокчиларни таништирадилар, зарур ўринларда гуруҳ аъзолари етакчиларнинг фикрларини тўлдирадилар (20 дақиқа (хар бир гуруҳга 5 — 6 дақиқадан))
VI босқич Эксперт баҳолаш	Эксперт гуруҳи томонидан режалар билан танишиб чиқиш ва уларни баҳолаш сўралади; режаларни баҳолаш учун эксперт гуруҳига аввалдан тайёрланган мезонларни тавсия этади	Эксперт гуруҳи томонидан тайёрланган тарбиявий ишлар режалари ўрганилади ва баҳоланади, қолган иштирокчилар эксперт гуруҳининг хулосаларини тинглайдилар, режани тайёрлашда йўл қўйилган хатоларни таҳлил қиладилар (10 дақиқа)
VII босқич Мунозара жараёни	Иштирокчиларни эксперт гуруҳи хулосаларига нисбатан муносабат билдиришга чорлаб, мулоҳазаларни далилларга таяниб ифодалаш зарурлигини таъкидлайди	Иштирокчилар эксперт гуруҳи хулосаларига нисбатан ўз муносабатларини билдирадилар (10 дақиқа)
VIII босқич Якуний жараён	Билдирилган мулоҳазалар асосида машғулотга яқун ясайди, гуруҳларнинг фаолияти баҳоланади	Уқитувчи томонидан билдирилган якуний фикрга асосланиб, хулоса чиқарадилар (5 дақиқа)

Бўлажак ўқитувчиларнинг миллий педагогик тайёргарликлари уларнинг мактабдаги миллий тарбиявий фаолияти учун катта аҳамиятга эга. Бу эса педагогика институтлари ва университетларида тарбиявий ишлар тизимини ўрганиш, уни такомиллаштириш жараёни миллий тарбияни таъсир кўрсатишини такозо қилади.

Талабаларда миллий мафкуравий дунёқараш, виждонийлик, миллий одоб, миллатлараро мулоқот маданияти ва Ўзбекистон ватанпарварлиги каби миллий тарбиянинг марказий сифатларининг шаклланишига Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг рисоалари ва нутқларини

муҳокама қилиш, «Маънавият соати» орқали гуруҳ мураббийлари тарбиявий ишларини такомиллаштириш, Наврўз байрамини, “Хотира ва кадрлаш куни”ни, “Алломалар педагогик фаолиятини ўрганиш”га доир анжуманларни ташкил этиш, «Қувноқлар ва зукколар» беллашувини ташкил этиш, талабалар бадиий ҳаваскорлик тўғараклари кўрик танловини уюштириш, миллий замонавийликни рағбатлантириш орқали таъсир этилди. Бу борада бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий тайёрлаш услуб, шаклларида унумли фойдаланилди.

Педагогика кафедралари ўз анъаналарини миллий истиклолий руҳ, моҳият билан бойитишга киришдилар. Ётоқхоналарда турли мавзу ва шаклдаги тарбиявий ишлар тизими белгиланди. Бу ишда тажрибали доцентлар, мураббийларнинг фаол қатнашуви тадбирларнинг тарбиявий қимматини оширди.

Хуллас, амалий тадқиқот даврида юқорида баён қилинган турфа чоралар натижаси ўлароқ ижобий натижаларга эришилди. Бунда тадқиқотнинг суҳбат, сўров, кузатиш, педагогик вазифалар, амалий малакаларни кузатиш ва бошқа усулларида фойдаланилди.

II боб бўйича хулосалар

Хуллас, мустақил Ўзбекистон ўқитувчисининг миллий тарбиячи сифатидаги андоза моделини белгилаш куйидагиларни аниқлаш имконини берди. Мустақил Ўзбекистон ўқитувчисини умумпедагогик тайёрлаш жараёни ўзига хос қонуниятлар асосида кечади. Яъни:

- мамлакатда ўқитувчини умум педагогик тайёрлаш тизими унинг миллий хусусиятларига асосланса, бу жараённинг самарадорлиги ошади;

- Ўзбекистон ўқитувчиларини умумпедагогик тайёрлаш тизими республикамизнинг ўз истиклол ва тараққиёт йўлидан келиб чиқувчи педагогик вазифалар билан белгиланиши керак;

- бўлажак ўқитувчиларнинг миллий тарбиявий билим, кўникма ва

малакалари сифати педагогика институти, университетларидаги ўқув, амалий ва мустақил амалий фаолиятлар мазмуни, шакл ва усулларининг миллий тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилишига боғлиқ;

- бўлажак ўқитувчиларнинг миллий тарбиявий фаолиятга тайёргарлик даражаси, мазмуни, самарадорлиги талабанинг шахсий инсоний сифатлари, мафкуравий дунёқараши ва касбий лаёқатларининг уйғунлаштирилишига боғлиқ.

Шундай қилиб, ўқитувчининг миллий тарбиячи сифатидаги андоза моделидан келиб чиқиб, миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг услубий тизими аниқланди. Ҳалдаги амалий педагогик вазифа сифатида талабаларнинг шахсий сифатлари, миллий мафкуравий дунёқарашидаги ижобий ўзгаришларни уларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш билан уйғунлаштиришга киришилди.

III БОБ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВЧИЛАР МИЛЛИЙ ТАРБИЯСИ АМАЛИЁТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ- ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

3.1. Педагогик амалиёт жараёнида талабаларда миллий тарбиявий кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Талабаларни назарий эгаллаган билимларини амалий кўникма ва малакаларига айлантиришда педагогик амалиёт катта аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам педагогик амалиёт дастурининг анъанавий вазифалари қаторига қуйидаги миллий тарбиявий вазифалар киритилди:

- миллий тарбиявий фаолиятни ташкил қилиш орқали талабаларнинг ижтимоий мафкуравий, педагогик психологик ва мутахассислик бўйича билимларини мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва бойитиш;
- талабаларда миллий тарбияланган шахсий ва касбий сифатлар, билим ва кўникмаларни шакллантириш;
- уларда миллий тарбиявий фаолиятга қизиқиш уйғотиб, эҳтиёж пайдо қилиш;
- тарбиявий фаолиятга ижодий ва илмий ёндашувни уйғунлаштириш;
- талабаларни илғор миллий тарбиявий иш намуналари билан таништириш.

Тажрибали мутахассислар Н.Мирзахмедов ва С.Миршариповалар мамлакатимизнинг бўлажак ўқитувчиларига қўйилаётган янги талабларни амалга оширишда педагогик амалиётнинг миллий тарбиявий аҳамиятини изоҳлар эканлар, бунда талабаларнинг чуқур билимга эга бўлиши билан бир қаторда уларнинг миллий гурур, маданият ва қадриятни талабаларга тўғри етказиб бериш қобилиятини такомиллаштириш ҳам зарурлигини таъкидлайдилар. Афсуски, «... талабаларда дарс ва дарсдан ташқари тадбирлар жараёнида талабаларга қадриятларимизни, инсонпарварлик ғояларини ўқитиш мазмуни билан оқилона, ҳамоҳанг тарзда етказиш

малака ва кўникмалари деярли йўқ»¹ деган баҳони берадилар бу муаллифлар. «Педагогик амалиёт дастури ва унга оид услубий кўрсатмаларнинг амалга оширилиш тажрибаси қай аҳволда?» деган саволига моҳир педагог К.Даминовнинг ўзи: «Бу саволга Ўзбекистон миқёсида жавоб топиш анча муаммоли ҳолатда турибди»², дея жавоб берди. Мавжуд ҳолат педагогик олийгоҳларда ўқитувчи тайёрлаш самарадорлигини ошириш ва мураббийларни миллий тарбиявий фаолиятга йўналтириш орқали юқоридаги камчиликларнинг бартараф қилинишини ҳам тақозо этарди.

Ўзбекистон ўқитувчисига қўйилаётган янги талабларга мувофиқ, талабаларда миллий тарбиявий тушунчаларнинг қай даражада шакллангани ва уларда миллий тарбиявий фаолият учун зарур бўлган касбий билим, кўникма ва малакалар даражасини ўрганишга киришилди. Дастлаб бўлажак ўқитувчиларнинг миллий тарбиявий тушунча, билимлари ва шу тушунчаларни талабаларда шакллантириш имконияти орасидаги мантиқий боғлиқлик ўрганилди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг амалиётдаги фаолияти уч босқичда кузатилди. **Биринчи босқич тайёрлов босқичи** бўлиб, унда умумий масалалар қатори талабаларга мактабда амалга оширилаётган миллий тарбиявий фаолият мазмуни, талабанинг шахсий режасида бу соҳада қилинган ишларни ҳисобга олиш техникаси баён қилиниб тасдиқланди. Талабалар мактаб хаёти, ўқитувчилар, синф раҳбари, талабалар ташкилотлари раҳбарлари билан таништирилди.

Асосий босқич педагогик амалиётнинг давомати, назорати.

Яқуний босқич — педагогик амалиётнинг баҳоланиши, хулосалар ясашга бағишланди.

Миллий тарбиявий кўникма ва малакаларни шакллантириш

¹ М.Мирзахмедов, С.Миршарипова. Ўқитувчи тайёрлашнинг муаммолари. Халқ таълими, 1993, 4-5 сонлар, 18-20 бетлар

² К.Даминов. Ўқув-педагогик амалиёт ва уни йўлга қўйиш. Халқ таълими, 1992 йил, 3-сон.

мунтазам эътиборни талаб қилади.

Чунки талабаларда болалар билан мулоқотга, синфдаги ва синфдан ташқаридаги тарбиявий ишларга қизиқиш уйғотмай, талабалар шахсиятини билиш ва ўрганиш, олинган билимлардан талабаларни тарбиялаш мақсадларида фойдаланиш кўникмаларини шакллантирмай, миллий тарбиявий тадбирларни тайёрлаш, ташкил қилиш ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантирмай, ўзининг ва талабаларнинг миллий тарбиявий фаолиятини режалаштириш, ташкил қилиш ва таҳлил қилиш кўникмаларини мослаштирмай туриб миллий тарбияни самарали амалга ошириш мумкин эмас. Педагогик амалиётнинг бошида миллий тарбиявий тадбирларни илмий асосда тайёрлаш, ўтказиш ва таҳлил қилиш талабалар учун қийин кечди. Аксарият ҳолларда синф раҳбарлари томонидан бериладиган услубий тавсияларга муҳтожлик сезилди. Шу сабабли мактабларда миллий тарбия бўйича ўтказилиши лозим бўлган тадбирлар, йўналишлар намуналарини ишлаб чиқдик.

Мисол тариқасида тарбиявий соатлар мавзуларини келтириш мумкин:

Тарбиявий тадбирлар режаларидан намуналар

Дастлабки режага Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги «Маданий меросга - ихлос» юзасидан тузилган Низом асос қилиб олинди, у қуйидаги мазмунга эга:

1. Ватан ғурури – камолот мулкисининг асоси (I-II синфлар учун).

- а) туғилган уй, кўча, шаҳар ва ўлкаларининг тарихи.
- б) бир болага етти кўшни ота-она эканлиги.
- в) атроф табиатидаги ўсимликларнинг номи ва уни муҳофаза қилиш.
- г) ўлка тарихига оид (тарихий, обидалар, кимлар яшаган, иқтисодий бойлиги, санъати ва келажак режалар) маълумотлар.
- е) киндик қони тўкилган жойнинг тупроғи азиз ҳиссини сингдириш.

2. Турмуш маданияти

- а) шарқона оила.
- б) ота-она меҳри, уларнинг борлигидан фахрланиш.
- в) оилада шарқона урф-одатлар, анъаналар қонун ва қоидаларга амал қилиш.
- г) қариялар тарихини ўрганиш, уларнинг яхши фазилатлари билан чуқурлашиш ва ғамхўрлик қилиш.
- д) турмуш ва бозор иқтисодига шарқона муносабат уйғотиш.
- е) жисмоний баркамоллик ва спорт.

3. Ўзбек тилининг софлиги – халқ ифтихори

- а) ҳар бир миллатни она тили ва унга меҳрли миллий ғурурини гул тожиси эканлиги (халқнинг мақол, ривоят, ҳикоятларидан фойдаланиш).
- б) ўзбек тилининг тарихи, ривож.
- в) ўзбек тилининг истиқболи.
- г) «Тил билганни элни билади» (дунё тилларининг моҳияти ҳақида).
- д) миллатлараро тотувлик.

4. Ўзбек миллий урф одат, расм-русумлар ва маросимлар

- а) оилавий урф-одатлар.
- б) расм-русумлар ва уларнинг тарихи.
- в) маросимлар уларнинг турлари, тарихи ва мазмуни.

III-IV-синф талабалари учун Ватан ғурури камолот

мулкнинг асоси:

- а) Ўзбекистон ҳудуди ва унинг тарихи ҳақида маълумот.
- б) Ўзбекистон ўтмишидаги подшоҳ ва хонлар, улардаги сифатлар.
- в) Ўзбекистон табиати, ҳайвоноти ва ўсимлик олами.
- г) ўтмиш ва мустақил Ўзбекистон.
- д) бутун дунё ўзбеклари нима билан фахрланишлари.
- е) Ўзбекистон мадҳиясида миллий ғурур.

Турмуш маданияти:

- а) оиланинг иқтисодий илдизи, уни бошқаришда оила аъзоларининг ҳамжихатлиги. Бюджет тақсимооти.
- б) оилавий анъаналар ва унга нисбатан садоқат ҳисси.
- в) оилавий маросимлар. Оиланинг ҳар бир аъзосининг ўрни ва бурчи.
- г) оила истиқболига ҳиёнат қилмаслик.
- д) оила аъзоларининг бурчи.
- е) замонавий оиланинг шакли, маънавий гўзаллиги. Шарқона оила жиҳози. Соғлом тан. Спорт хонадон кўрки.

Ўзбек тили софлиги халқ ифтихори:

- а) тилнинг тарихини ўрганиш. Дастлабки туркий тилда ёзилган асарларни ўрганиш (Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий).
- б) тилшунос олимлар билан учрашув.
- в) соф ўзбек тили сирлари, тил ўрганиш ҳақида донолар ҳикматлари.
- г) Шарқона ўқишнинг оҳангдорлиги ҳақида маълумот бериш.
- д) Шарқшунослик ва тил-адабиётлар илм масканларига ташриф буюриш.

Миллий урф-одатлари, расм-русумлар ва маросимлар:

- а) миллий урф-одатларининг келиб чиқиш тарихи, унга амал қилишнинг ижобий томонлари.
- б) халқ фольклор ва ёдгорликларида расм-русум, ирим-сиримларни асослаб берилиши.
- в) турли миллат халқларининг урф-одатлари ва уларга муносабат.
- г) аجدодларимизнинг кийиниши, юриш-туришига ўзбекона муносабат билдириш. Ҳозирги замон талаблари-чи? Тўғрими?.

Санъат ва маданияти, меъморчилиги:

- а) санъатнинг шарқона кўринишлари. Аждодларимиз санъати тарихи.
- б) санъат усталари (ўтмиш ва ҳозир).
- в) санъат масканлари ва унинг турлари, санъатга муносабат.

д) миллий санъатнинг келажаги.

е) меъморчилик тарихи. Маданий меъморчилик қошоналарига саёҳат ва уни ўрганиш.

ё) кўли гул устоз ва шогирдлар ҳаёти ва келажаги.

з) меъморчилик кўринишлари (танлаб ўрганиш).

Боболардан болаларга насихат ва пандлар:

а) ўзбек халқининг қадимий ёдгорликлари.

б) А.Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ғаззолий, Ҳазинийлар ижодиётида одоб-ахлоқ масалалари.

в) ўзбек шоираларининг пандлари. Зебинисо, Нодира, Анбар Отин...

г) Замонавий шоир ва шоиралар. Учрашув ва кечалар ташкил қилиш.

Уларнинг ижодиётига ташаббус қилишга ундаш.

Юксак инсоний, маънавий-ахлоқий сифатлар

а) алломаларнинг ўғил ва қизларга айтган насихатлари.

б) кизлик иффати, ҳаёси, ғурури.

в) оила ва жамоат меҳнатига тўғри муносабатда бўлиш.

г) инсон гўзаллигини англаувчи белгилар.

д) саёқ юрган таёқ ер.

е) бозор қилиш одоби.

ё) табиат гўзаллигини сақлаш.

Талабаларга биз таклиф қилган тарбиявий соат мавзуларидан талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб фойдаланиш тавсия қилинди.

Ушбу мавзулар мажмуидан қатор мақсадлар кўзда тутилди. Жумладан,

1) талабалар қайси мавзуларга кўпроқ мойиллик билдирганини ва бунинг сабабларини аниқлаш;

2) талабаларнинг тарбиявий соатни режалаштириш кўникмаларини аниқлаш;

3) тарбиявий соат мавзуини қандай мазмун билан тўлдириши, қандай адабиётлардан фойдаланиши, қандай баён қилиниши таҳлил этиш;

4) ўқитувчиларнинг ёш ва тарбияланганлик даражаларини ҳисобга олган ёки олмаганини ўрганиш;

5) тарбиявий соатнинг таъсирчанлигини ошириш учун қандай чоралар, усуллар, воситалардан фойдаланганини аниқлаш каби мақсадлар белгиланди.

Шу тариқа умум педагогик (педагогик амалиёт самарадорлигини ошириш) ва хусусий (талабаларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлаш) эҳтиёжлардан келиб чиқиб, талабалар синф раҳбарларининг ёрдамчиси этиб бириктириб кўйилди. Бу орқали улар мактаб ҳаёти, тарбиявий жараённинг барча тафсилотлари билан бевосита танишиш, ўрганиш, ўрганганларини амалда синаш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан, уларга синфнинг миллий тарбияланганлик даражасини ўлчаш, ота-оналар билан суҳбатлашиш, талабаларда миллий тарбиявий фазилатлар намоёишини кузатиш каби топшириқлар берилиб, кўникмалар сингдира борилди.

Бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлашда «Миллий тарбия назарияси ва услубиёти» бўйича реферат ишлари тематикаси ишлаб чиқилиб, “Бошланғич таълим ва спорт услубиёти йўналиши” талабаларига жорий қилинди. Мақсад ҳар бир талабада миллий тарбиянинг у ёки бу масаласи бўйича назарий билимларни шакллантириш билан чекланиб қолмасдан, балки ана шу билимларни қўллашга, такомиллаштиришга эришиш эди. Педагогик амалиёт жараёнида бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиячилик маҳоратини шакллантириш мақсадида уларга ижодий топшириқлар беришни жорий қилдик.

Ижодий топшириқлар талабадан у ёки бу вазифани бажариш керак бўлганида қандай хатти – ҳаракатлар қилишни аниқлашга қаратилди. Бунинг учун умумтаълим мактабларида миллий тарбия жараёнининг

хусусиятларини ифодаловчи мавзулар мажмуи ишлаб чиқилди. Мавзулар мажмуига, жумладан, қуйидагилар кирди:

- “Академик Сиддиқ Ражабовнинг педагогик фаолиятини ўрганиш” бўйича анжуман ўтказиш режасини тузинг. Уни қизиқарли ўтказиш учун қандай ишларни бажарасиз?
- 2010 йил — «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб тарбиявий ишлар режасини тузинг.
- “Хотира ва қадрлаш” кечасини қандай ташкил қиласиз?
- Миллий тарбия мавзусига бағишланган ота – оналар йиғилишини қандай ўтказасиз?
- Ўқувчингизнинг тарбиявий шароити билан танишиш мақсадида унинг оиласига ташриф буюрмоқчисиз. Ота она, оила аҳли билан бўладиган суҳбатингиз қандай масалаларни қамраб олишини режалаштиринг.
- Талабаларингизнинг кадриятларини ўргандингиз. VIII синф талабалари ҳозир энг қизиқиб томоша қилаётган фильмлари чет эл сериаллари эканлиги маълум бўлди. Бундан қандай миллий тарбиявий хулоса чиқарасиз?
- Сиз мактаб тарбиявий ишлар ташкилотчисисиз. Мактабда «Ўзбек тили байрами»ни қандай ташкил қиласиз?
- IX синфда «Мафқуравий фаол ўқувчи; у қандай бўлиши керак?» мавзусида «Матбуот анжумани» сценарийсини тузинг.
- Миллий тарбия бўйича синфнинг йиллик натижаларини чиқаринг ва ҳ.к.

Талабаларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётда миллий тарбиянинг жорий қилиниши яхши самара бериши аниқланди. Талабанинг «Тарбиявий иш дафтарчаси»ни жорий этиш ғояси профессор Н.Шодиев томонидан киритилган эди. У талабаларни

мактабдаги амалиёт даврида талабаларни касб танлашга йўллаш ишларига ўргатиш воситаси бўлмоғи керак эди. Ўтган давр бу ташаббуснинг самарадорлигини кўрсатди.

Мактабларда ўтказилаётган тарбиявий тадбирлар самарали ёки (шаклга берилиб, мазмун, натижа унутилса) самарасиз бўлиши ҳам мумкин. Собиқ совет педагогикасида тарбияга ёндошишнинг иккинчи тури кучайиб кетган эди. Яъни тадбирнинг энг муҳим томони — болаларнинг чиройли кийиниши, кўриниши, қичқириб шеър ўқиши, ҳамманинг оммавий рақсга тушиши, «юкоридан» келганларга гул тутиб, маъкул бўлиши ва ҳоказолар эди. Шунинг учун ҳам собиқ совет педагогикаси «тадбирбозлик педагогикаси» деб ҳам танқид қилинарди. Биз ана шу кусурларнинг олдини олиш учун талабаларни тарбиявий тадбирларни илмий мантиқий таҳлил қилишга ўргата бордик. Бунинг самараси икки томонлама намоён бўлди.

Биринчидан, талабада тарбиявий тадбирни кузатиш, қайд қилиш кўникмалари такомиллаштирилган бўлса, иккинчидан, тадбирларнинг қуруқ дабдабаси таҳлилдан сўнг «фош бўлгач», тарбияга бундай ёндошувнинг хатолигини талабалар англай бордилар. Бу фикрни тасдиқлаш учун бир намуна келтиришни лозим топдик. Педагогика факультети “Бошланғич таълим ва спорт услубиёти” йўналиши талабаси (Н.Акрамова, III курс)нинг педагогик амалиётнинг биринчи хафтасида кузатган тарбиявий тадбирнинг илмий мантиқий таҳлили:

Тадбирнинг номи: Аждодларни хотирлаш мукаддас бурчимиз.
Шакли: Адабий мусиқавий композиция.

Мақсад: Ёш авлод онгида аждодларга хурмат, эҳтиром улардан фахрланиш туйғусини шакллантириш.

Вақти: 2010 йил 8 май соат 10 дан 17 минут ўтганда бошланиб, 11 дан 40 дақиқа ўтгунча давом этди.

Қатнашдилар: 20 та ўқувчи. Бошланғич синф талабалари

кўпчилиқни ташкил қилди.

Тадбир қандай шароитда ўтказилди: Тадбир 3 кун давомида тайёрланди. Муסיқа, шеърлар, ракс, сахна сунъий гуллар билан жиҳозланди.

Тадбирнинг қисқача шарҳи: дастлаб, мактаб тарбиявий ишлар ташкилотчиси тадбир номи ва унинг бошланишини эълон қилди ва тадбирни очиб бериш учун сўзни 13 – мактаб директориға берди. Муסיқа, ракс, шеърлар ватанпарварлик мавзусига бағишланди. Қатнашчиларнинг аксарияти қиз болалар. Икки ўғил бола ўзбекча тўн кийган, 8 та қиз бола атлас кўйлак кийган. Хаво совуқ. Қатнашчиларнинг кўзлари синф раҳбарларида. Улар сахна ёнидан имо – ишоралар билан талабаларни бошқариб туришибди. Ватанпарварлик мавзусига бағишланган шеърлар ўқилди, куй – кўшиқлар ижро этилди, таклиф қилинган улуғ Ватан уруши қатнашчилари босиб ўтган йўллари, мустақилликка шукрона келтириш кераклиги мазмунида сўзладилар талабаларни саволлариға жавоб бердилар.

Тадбирни тайёрлашда фаоллик даражаси:

- ўқувчилар жамоаси;
- айрим 9 – синф талабалари тадбирни олиб боришга ёрдам бердилар;
- талабалар жамоасининг ташаббускорлиги сууст;
- ўқитувчилар ҳамкорлиги — сууст;
- тайёрлов босқичининг жамоани жипслаштиришга таъсири — сууст.

Тадбирнинг синф жамоаси томонидан муҳокама қилиниши, баҳоланиши ва бунинг ҳар бир қатнашчига, жамоага кўрсатган таъсири:

- тадбир якуний муҳокама қилинмади, баҳоланмади (талабалар совқотиб тезда уй-уйлариға тарқалиб кетишди).

Амалиётчи талабанинг шахсий хулосаси, таклифи:

Бугун ўтказилган тадбирда ватанпарварлик руҳидаги муסיқа, шеърлар мустақиллик миллий истиқлол ғоялари билан боғланди. Улуғ

Ватан уруши қатнашчилари билан бўлган жонли мулоқот талабалар қалбида Ватанга муҳаббат, фахрланиш туйғусини уйғота олди. Лекин, Ўзбекистон талабаларида ватанпарварлик, миллий гурур, миллатлараро мулоқот маданиятининг ижобий ва салбий намоён бўлиши ҳаётий мисоллар ёрдамида кўрсатилиб, рағбатлантирилмади ёки танкид қилинмади. Тадбир ўтказилган куни ҳам, ундан кейин ҳам қатнашчилар, ташкилотчилар ютуқ ва камчиликларни муҳокама қилмадилар. Ана шу мулоҳазалар «Аждодларни хотирлаш муқаддас бурчимиз» тадбирининг тарбиявий самарадорлиги юқори бўлди деб, айта олмаймиз. Мен мактабга бориб шундай тадбирни ўтказганимда бундай камчиликларга йўл қўймасликка ҳаракат қиламан...

Шундай қилиб, педагогик амалиётнинг мақсадга йўналтирилгани, илмий ва мантиқий шартлар асосида ташкил қилиниши, педагогик амалиётнинг ҳар бир босқичдан унумли фойдаланиш, ижодий топшириқлар, миллий тарбиявий соатлар мавзуларининг жорий қилиниши, педагогик амалиётчиларда учраётган типик камчиликларни умумлаштириб уларни бартараф қилиш, «Миллий тарбия назарияси ва услубиёти» махсус курсининг жорий қилиниши ўз ижобий натижаларини берди. Тажриба – синов ишлари натижаларини кейинги бўлимда баён қиламиз.

3.2. Тажриба-синов ишлари натижалари ва ишнинг самарадорлик даражаси

Таълим жараёнининг самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири – бу педагог томонидан мақсадга мувофиқ ўрин равишда турли методларнинг қўлланилиши саналади. Тажриба-синов ишларини олиб боришда қуйидаги методлар машғулот сифатини таъминлабгина қолмай, балки талабалар миллий тарбия назарияси ва услубиётига оид билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни юзага келтириш, уларда мустақиллик ва фаолликни қарор топтириш имкониятига эгаллиги аниқланди: маъруза,

семинар, конференция, кичик гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинлар, ақлий хужум, мустақил ишлаш кабилар.

Маъруза машғулоти назарий маълумотларни тўплаш, мавжуд маълумотларни умумлаштириш, маъруза матнини тайёрлаш, вақти-вақти билан талабаларни мулоқотга чорлаш, семинар машғулоти эса талабалар томонидан мустақил равишда ўқиб ўрганиш, ижодий ишлаш, қўйилган муаммо юзасидан фикр юритиш, унинг ечимини топиш, мавжуд назарий ғоялар асосида маълумот хулосаларга келиш каби кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Кичик гуруҳларда ишлаш – муайян муаммони ечимини топишда ҳамкорликда ишлаш ҳамда талабаларни фаоллигини оширишга қаратилган фаолият жараёнидир. Бу қуйидаги босқичларда ташкил этилади:

1. Талабаларни умумий сонидан келиб чиққан ҳолда уларни гуруҳларга бўлиш;
2. Муаммони гуруҳларда муҳокама қилиш;
3. Муаммо ечимларининг тақдироти;
4. Ечимлар юзасидан қисқа мунозараларни ташкил этиш;
5. Якуний хулосаларга келиш.

Ролли ўйинлар – ўрганилаётган мавзу моҳиятини очишга ёрдам берувчи ҳаётий вазиятларни сунъий шароитда юзага келтириш.

“Ақлий хужум” – мавзу юзасидан кўтарилаётган умумий муаммо бўйича талабаларни ўзаро мулоқотга чорлаш, уларни фаоллик кўрсатишга ундаш. Бу метод талабаларда муаммо юзасидан шахсий қарашларини илгари суриш, уларни далиллаш ва ҳимоя қилиш кўникларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Тадқиқот – талабалар томонидан ўзлаштирилган мавжуд билимлар асосида ҳали ўрганилмаган муаммо юзасидан индивидуал, гуруҳли ёки жамоа тарзида кичик изланишни амалга ошириш, далиллар асосида илгари сурилаётган тахминнинг ҳаққонийлигини текшириш. Тадқиқот методи

қуйидаги шартларга мувофиқ амалга оширилади: барча талабаларда бирдек қизиқишни уйғота олувчи муаммо ёки масалани белгилаш; муаммо ёки масалани ечимини тўғри топиш мақсадида манбааларни ўқиб ўрганиш; маълумотлар тўплаш ва уларни умумлаштириш; уларни тўғрилигини таҳлил қилиш; якуний хулосага келиш.

“Миллий тарбия назарияси ва услубиёти” махсус курс мавзулари ва уни ўзлаштириш самарадорлигини кўрсаткичлари: А) – тадқиқотдан олдин; Б) – тадқиқотдан кейин (% ҳисобида)

Мавзулар	Юқори		Яхши		Ўрта даража		Паст	
	а	б	а	б	а	б	а	б
1. Миллий тарбия ғоясининг моҳияти ва мазмуни	4	27	11	34	17	29	68	10
2. Миллий тарбиянинг мақсад ва вазифалари	10	26	14	20	16	30	60	24
3. Ўзбекистонда миллий тарбия ғоясининг шаклланиши ва ривожланиши	2	15	5	27	11	31	82	27
4. Оилани миллий тарбиявий имкониятларини такомиллаштириш.		19	1	29	3	34	96	18
5. Талабаларни миллий тарбияланганлик мезонлари	2	21	5	24	12	30	81	25
6. Бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий сифатлари	8	22	12	33	19	32	61	13
7. Ўзбек мутаффақирлари асарларида миллий тарбия ғоясининг талқини	10	26	14	20	16	30	60	24

8. Тарбиявий тадбирларни режалаштиришда миллий тарбия ғоялар	2	15	5	27	11	31	82	27
--	---	----	---	----	----	----	----	----

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики тадқиқот даврида миллий тарбия назарияси ва услубиёти бўйича талабаларни эгаллаган билимлари асосида тажрибадан олдинги ва тажрибадан кейинги натижалар солиштирилганда самарали натижаларга эришилди.

Педагогик амалиёт даврида бўлажак тарбиячилар миллий тарбиявий кўникма ва малакаларни қай даражада эгаллаганликлари қуйидаги жадвалда намоён бўлди:

“Бўлажак ўқитувчиларнинг миллий тарбиявий кўникма ва малакаларининг назорат (а) ва тажриба – тадқиқот гуруҳларидаги (б) даражалари

Миллий тарбиявий ишлар технологиясининг таркибий қисмлари	Талабалар сони % (а)	Талабалар сони % (б)
Бир йиллик амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, яқинини ясай олиш	16	19
Миллий тарбиявий ишларнинг истиқболий режасини тузиш	6	29
Миллий тарбиянинг асосий шакл, восита, услубларини белгилаш	10	25
Ижодий топшириқларни бажаришда бўлган ўзгариш:		
юқори	16	29
ўрта	20	44
паст	64	27

Миллий тарбиявий тавсиф бера олиш:		
юқори	13	23
ўрта	26	43
паст	61	34

Олинган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики назорат гуруҳи талабаларига нисбатан тадқиқот гуруҳидаги талабаларда анча юқори кўрсаткичлар қайд этилган.

III боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки ўқитувчиларнинг миллий мафкуравий дунёқарашини, педагогик тафаккурини, масъулиятини, кўникма ва малакаларини шакллантиришда педагогик амалиёт катта имкониятларга эга. Зеро, ҳар бир ўқитувчи ва педагогик амалиётни ўтаётган талабанинг миллий тарбиячилик кўникма ва малакалари унинг ўқувчилар билан ишлашда, бу ишни миллий тарбия мақсади, тамойиллари, вазифалари, услублари, шакллари асосида ташкил қилиш маҳоратида намоён бўлади. Ўтказган тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиқиб, педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг миллий тарбиячи сифатидаги:

- синфда ўқув тарбиявий вазифаларни миллий тарбия мақсадларидан, талабалар жамоасининг хусусиятларидан, талабаларнинг шахсий ва ёш хусусиятларидан келиб чиқиб белгилай олиш;
- ҳар бир ўқувчи ва синф жамоасининг Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий гурур, миллатлараро мулоқот маданияти, виждонийлик, миллий одоб ва миллий мафкуравий онглилигини педагогик ташхис ва башорат қила олиш;
- талабаларни миллий тарбиялашнинг жорий ва истиқболий режаларини туза олиш;
- миллий тарбия вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқув, ижтимоий, бадиий, ўйин, меҳнат фаолиятларини ташкил қила олиш;

- талабаларни миллий тарбиялашда иштирок этаётган барча: ўқитувчилар, синф раҳбарлари, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, ота оналар, маънавият маркази, маҳалла фаоллари билан самарали ҳамкорлик ўрната олиш;
- таълимнинг миллий тарбиявий имкониятларини ишга сола билиш;
- ота оналар, меҳнат жамоалари йиғилишларида, маросимларда миллий истиқлол мафкураси ва ўғил қизларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш ғояларини тарғибот қила олиш борасидаги малакаларининг технологик тизимини шакллантириш зарурати асосланди.

Талабаларда миллий тарбиявий кўникма ва малакалар шаклланганлигининг реал даражасини педагогик амалиёт жараёнида қатор қўшимча кўрсаткичлар асосида ҳам баҳолаш мумкин. Булар: миллий тарбиявий вазифаларни белгилаш, амалга оширишда талабаларнинг эркин ёки қийналиб иш тутиши; ўз ишидан қониқиш даражаси; ишнинг сифати; талабанинг мустақил, ижодий иш тутиши; талабалар билан педагогик мулоқот маданиятининг даражаларидир.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўтказилган тадқиқот куйидаги назарий ва услубий педагогик хулосаларни яшашга асос бўлди:

I. Инсоният турли миллатлардан иборат ва ҳар бир миллат умуминсоний қадриятдир. Демак, ҳар бир миллатнинг маънавий тараққийси умуминсоний тараққиёт шартидир.

II. Мустақил Ўзбекистон миллий давлат сифатида ўз йўлига, мафкурасига, маънавият соҳасида устувор сиёсатига эга. У миллий тарихий турмуш тарзимиз, халқ урф одатлари, анъаналари, кишиларнинг фикрлаш тарзини, ислом ахлокий қадриятларини, психологиянинг миллийлигини, кўп миллатлилик каби ижтимоий хусусиятларни ўзида мужассам қилган. Яъни, жаҳон тараққиёти тизимида Ўзбекистоннинг нафақат бозор иқтисодиётига ўтишда, балки унинг тарбиявий сиёсатида бетақрор ва бой анъаналарга тўла ўз йўли борлигини ва уни ишга тушириш заруриятни белгилади.

III. Миллий тарбия жараёни ҳар бир отаона, маҳалла, мустақил Ўзбекистон ҳар бир мактаб ўқувчисидан кутаётган ижобий фазилатлар мажмуини шакллантиради. Миллий ғурур, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий одоб, миллатлараро мулоқот маданияти, виждонийлик, миллий мафкуравий онглилик фазилатлари мустақилликни мустаҳкамлашнинг доимий заруратидир.

IV. Мазкур фазилатлар ҳозир ва келажакда ўзининг ишончли самараларини бериши учун миллий истиқлолий тарбия Ўзбекистон умумтаълим мактабларида мақсадга йўналтирилган устувор тарбия йўналишига айлантирилиши лозим.

V. Миллий тарбиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бўлажак ўқитувчиларнинг мазкур фаолиятни бошқаришга махсус йўналтирилганлигига боғлиқдир.

VI. Мактаб, оила, маҳалла, тураржойлар, мактабдан ташқари

муассасаларнинг миллий тарбиявий ҳамкорлиги миллий тарбия самарадорлиги шартларидан биридир.

VII. Мактаблардаги муваффақиятлар улардаги тобора миллийлашаётган таълим мазмунидан миллий тарбиявий мақсадларда фойдаланишни такомиллаштиришга боғлиқ.

VIII. Миллий тарбиянинг муваффақияти бу жараённинг илмий асосда ташкил қилинишига мақсад, вазифа, услуб, восита, натажага системали ёндашув, уларни ўрганиш, қайд қила бориш ва миллий истиклолнинг ҳар бир босқичи талаблари асосида бойита борилишига боғлиқ.

IX. Талабаларнинг ёш, миллий, маҳаллий, руҳий, жинсий, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш ва тарбияланганлик мезонлари, даражаларининг амалиётга жорий қилиниши миллий тарбия самарадорлигини белгилайди.

X. Талабаларнинг дарсдан ташқари фаолиятини миллий тарбиявий мақсадларга йўналтирилиши талабаларда миллий истиклолий фазилатлар ҳақида тушунча, билимларни амалда қўллаш, машқ қилдириш, кўникма, малака ва одатларга айлантиришнинг шартидир.

XI. Талабаларни назарий билимларини амалий кўникма ва малакаларга айлантиришда педагогик амалиётнинг аҳамиятини кучайтириш.

ТАВСИЯЛАР

- Мактаб, оила ва маҳалланинг миллий тарбиявий ҳамкорлигини такомиллаштириш;
- Ўқувчи-ёшларда ижтимоий фаоллик, тadbиркорлик сифатларини шакллантириш;
- бўлажак ўқитувчиларни миллий тарбиявий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш;
- олий ўқув юртлари талабаларини миллий тарбиялаш мазмуни, услуб, воситаларини такомиллаштириш;
- маҳалланинг миллий тарбиявий имкониятларидан фойдаланишни

кенгайтириш;

– миллий тарбиянинг меҳнат, ахлоқий, нафосат, гигиеник, касбга йўналтириш, экологик, иқтисодий, бадий тарбия йўналишлари мазмуни, моҳиятига сингдириш;

– Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган миллий марказлар ва уларнинг миллийи стиқлолий имкониятларини ўрганиш ва такомиллаштириш;

– миллий тарбиянинг диагностик, технологик, прогностик тизимини такомиллаштириш;

– миллий тарбия жараёнини тадқиқ қилишда янгича ёндашувларни жорий қилиш;

– мактабдан ташқари муассасаларда миллий тарбия тизимини ишлаб чиқиш;

– ота-оналарнинг миллий тарбиявий билимлари, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон” 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун Т. Ўзбекистон: 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т.: Ўзбекистон. 1997 йил
4. “Баркамол авлод йили” Давлат Дастури. Декабрь 2009 йил. Фарғона.
5. “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий – маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 25 август 2006 йил ПҚ. 454 қарори.
6. И.Каримов “Менинг маслагим: инсон бахт – саодати республика манфаатлари”, “Ўзбекистон овози” 1991, 27-декабр
7. Ислом Каримов. Ўзбекистонинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: “Ўзбекистон” 1995 йил.
8. Ислом Каримов. “Истиқлол ва маънавият”. Т.: Ўзбекистон 1995 йил.
9. И. Каримов Юксак малакали , мутахассислар — тараққиёт омили. Т “Ўзбекистон», 1995, 18 - бет.
- 10.Ислом Каримов “Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби” Б – жилд. Т.: Ўзбекистон. 1997 йил.
- 11.Ислом Каримов. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т.: Ўзбекистон. 1997 йил.
- 12.Ислом Каримов. “Жамиятимиз мафкураси халқни, халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин” “Тафаккур” журнали. 1998 йил 2 – сон.
- 13.Ислом Каримов. “Ўзбекистон XXI – асрга интилмоқда” Т.: Ўзбекистон. 1999 йил.
- 14.Ислом Каримов. “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” Т.: Ўзбекистон. 2000 й.

15. Ислом Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т.: Ўзбекистон 2008 йил
16. М.Қуронов. Миллий тарбия Т. “Маънавият” 2007 9 – бет.
17. М.Мирзахмедов, С.Миршарипова. Ўқитувчи тайёрлашнинг муаммолари. Халқ таълими, 1993, 4-5сонлар, 18-20 бетлар.
18. Қ.Даминов. Ўқув педагогик амалиёт ва уни йўлга қўйиш. Халқ таълими, 1992 йил, 3 сон.
19. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 жилдлик. 2 – том, - М.: “Рус тили” нашр 1991, 125 – бет.
20. Миллий мактаб пойдеворини яратиш йўлида. Матбуот эълон қилинган мақолалар тўплами Т.: ЎЗПФИТИ, 1991 йил 73 – бет.
21. Ўзбекистон ўқувчилари конференциясининг қарори. “Ўқитувчилар газетаси” 1990 йил 26 – декабр.
22. К.Юсупова. Ўзбекистонда педагогика илмининг истиқболи. “Маърифат”, 1994 йил 9 феврал.
23. Ф.Р.Норбоева. Умумий ўрта таълим мактаб VII – IX синф ўқувчиларида миллий онгни шакллантиришнинг педагогик асослари. Номзодлик диссертацияси автореферати. Т.: 2003 йил.
24. М.Қуронов, М.Абдужжаборова. Мафкуравий кураш педагогик талқин. Халқ таълими 2003 йил 5 – сон.
25. М.Қуронов. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия – Т.: Фан 1995 йил.
26. Э.Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари – Т.: Университет 1998 йил.
27. С.Очилов. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т.: 1995 йил.
28. Абдулла Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Т.: 1994 йил.
29. А.Ҳасанбоева. педагогика тарихидан хрестоматия. Т.: Ўқитувчи 1993 йил.
30. М.М.Хайруллаев. Маънавият юлдузлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2001 йил.

Миллий тарбиянинг назарий ва халқаро, республика, вилоят миқёсларидаги амалий масалалари бевосита ва билвосита муҳокама қилинган айрим тадбир, анжуман, семинар, йиғилиш, конференциялар¹

№	Мавзуси, йўналиши	Жойи, вақти	Шакли	Ташкилотчи
1.	Собиқ СССР да «миллий мактаб», «мактабда миллий маданият руҳи» тушунчаларининг муҳокама қила бошланиши	Москва 1988	Халқ таълими ходимларининг Бутун иттифок съезди	Ш.А.Амонашвили
2.	Ўзбекистонда миллий тарбия ғоясининг «миллий мактаб» муаммоси таркибида қизгин муҳокама қила бошланиши	1989	Республика миқёсида	
3.	ЎзПМ Республика халқ маорифининг миллий асосдаги Концепциясини ишлаб чиқиш ҳақидаги қарор қабул қилди	1989	ЎзПМ бюро қарори	
4.	«Мактабга миллий асос керак»	1990	Қашқадарё вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида баҳс, давра суҳбати	Қашқадарё ВУМОИ
5.	«Келажакимиз мактабда»	1990 «Ўқитувчилар газетаси»	Мурожаатнома	
6.	Ўзбекистон Жумхуриятининг умумий ўрта таълим мактаби тўғрисида муваққат Низоми	1991 октябрь	Низом	Республика Халқ таълими вазирлиги
7.	Ўзбекистон	1990	Конференция	Республика

¹ М.Қурононов. Миллий тарбия. Тошкент "Маънавият" 2007

	Ўқитувчилар конференцияси	Ноябр	резолюциялари	Халқ таълими вазирлиги ЎзПФТИ Р.Ҳасанов
8.	«Миллий мактаб муаммолари» Республика жамоатчилик илмий Маркази	1992 февраль	Ойда бир ўтказилувчи семинарлар	
9.	«Кун тартибида — миллий мактаб»	1992 март	Фаоллар йиғилиши	Республика ўқитувчилар уйи
10.	«Ўзбек халқ педагогикасини қайта тиклаш йўриқномаси (концепцияси) эълон қилинди	1992 июль	Концепция	ЎзПФТИ халқ педагогикасини ўрганиш бўлими
11.	«Миллий кадриятларимиз мактаб ва маҳаллаларда тарбия ишларини олиб боришда муҳим омил»	1992	Илмий амалий конференция	ЎзПФТИ
12.	Миллий — мактаб ва уни шакллантириш муаммолари	1992 март	Илмий Анжуман	Низомий номли ТДПИ
13.	Ўқитувчининг педагогик маҳоратини оширишда олий ва умумтаълим мактабларининг ҳамкорлиги (тавсиялар)	1992	Пленум йиғилиши	Ўзбекистон педагогика жамияти
14.	«Ўзбек мактаби ўқитувчисининг сиймоси» (ички ва ташқи)	1992	Илмий марказ йиғилиши	ЎзПФТИ
15.	«Миллий мактаб»: уни қачон шакллантирамиз? »	1992	Давра суҳбати	«Маърифат» газетаси
16.	«Миллий мактаб» тажриба ва истиқбол	1992	«Ўқитувчи— 92» кўрик танлови	РУММ
17.	«Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг долзарб вазифалари»	1992	Республика илмий-амалий конференцияси	Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус

				таълим вазирлиги
18.	Шаркнинг улуғ мутафаккирлари меросида таълим тарбия масалалари	1993 январь	Республика илмий-амалий анжумани	Низомий номли ТДПИ
19.	«Тарбия барчанинг муқаддас иши»	1993	Республика ўқитувчилар уйи қошидаги уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши мурожаати	“Маърифат” газетаси
20.	“Билим масканларини миллийлаштириш муаммолари”	1993 йил апрел	Республика семинар кенгаши. Халқ таълими вазирлигининг кўчма хайъат йиғилиши	Бухоро вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти
21.	“Миллий мактаб ва тарбиянинг тараққиёт истикболлари”	1993 Тошкент	Республика педагог олимларининг илмий ишлар тўплами	Низомий номли ТДПУ
22.	“Миллий мактаб: концепцияси ва ривожлантириш технологияси”	1993 март	Халқаро конференция	ЮНЕСКО
23.	“Президент И.Каримов асарларини ўрганиш ва тарғиб қилиш”	1993 июл	Илмий-назарий анжуман	Низомий номли ТДПУ
24.	“Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари”	1993 октябр	Республика илмий-амалий анжумани	Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти
25.	“Мафкура ва тарбия муаммолари: назария ва амалиёт”	1994 апрел	Республика илмий-амалий конференцияси	Тошкент кимё-технология институти
26.	«Ўзбекистон ўқитувчилари ва талабаларини	1994 сентябрь	Республика Илмий-амалий анжумани	Олий ва ўрта махсус таълим

	миллий истиқлол руҳида тарбиялаш»			вазирлиги; Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази; СамДУ; ФВПХМОИ Тошкент
27.	Миллий тарбияни юксалтиришда давлат бош ислохотчи бўлиши Ўзбекистоннинг истиқболнинг асосий тамойилларидан бирига айлантирилди	1995 февраль	Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги маърузаси	Тошкент